БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 210 (11.959)

Пайшанба, 7 сентябрь 1961 йил

Баҳоси 2 тийин

БУГУН ПАХТА ФРОНТИДА

АНДИЖОНЛИКЛАР ЧАҚИРИҒИ ҒАЙРАТГА-ҒАЙРАТ ҚЎШМОҚДА

☆ ☆ ☆

ПАХТА ПУНКТЛАРИ СОЗ ВА ПУХТА ИШЛАСИН

Республикамизнинг шимоли ва жанубидан, ғарби ва шарқидан кетма-кет хушхабарлар келмоқда: ҳамма ерда «оқ олтин» терими қизиб кетди, пахта карвонларининг кети узилмаётир...

Республикамиз пахтакорлари ва барча меҳнаткашлари ҳаётида энг масъулиятли давр бошланди. Йил бўйи сабот ва матонат билан етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай, қисқа вақт ичида йиғиштириб оладиган пайт келди. Бу вазифа қанчалик муҳим бўлса, ҳосилни белгиланган қонун-қоидаларга мувофиқ қабул қилиб олиш, асраш ва қайта ишлаш ҳам шунчалик муҳимдир.

Ўз зиммаларидаги масъулиятни яхши англаган пахта заводлари, тайёрлов пунктлари ва қуритиш-тозалаш цехларининг ходимлари янги мавсумга пухта ҳозирлик кўрдилар. Қўқондаги 1-, Андижондаги 1-, Шаҳрисабз, Пискент пахта тозалаш заводлари барвақт ремонтдан чиқарилди. Свердлов, Бўка, Галаосиё, Вобкент пахта тайёрлаш пунктлари пахта теримавсумидан анча аввалоқ шай қилиб қўйилган эди. Шу кунларда бу пахта пунктларида бўлган киши колхозлардан келтирилган «оқ олтин» пешма-пеш қабул қилиб олинаётганини кўради.

Лекин пахта заводлари, тайёрлов пунктлари ва қуритиш-тозалаш цехлари ҳамма жойда ҳам янги ҳосилни қабул қилиб олишга бенуқсон тайёрлаб қўйилган деб бўлмайди. Республикадаги 66 пахта заводидан 33 тасида ремонт ишлари чўзилиб кетганлиги, жумладан, Сурхондарё, Хоразм областларидаги ва Қорақалпоғистондаги пахта заводларининг кўпчилиги янги ҳосилни қайта ишлашга тайёр эмаслиги ана шундан далолат беради.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши пахта ва луб экинлари саноати бошқармасининг маълумотига қараганда, республикадаги 351 пахта пунктининг ҳаммаси «оқ олтин»ни қабул қилишга шай бўлса ҳам, лекин партия ва ҳукуматнинг ҳамма бунт жойларини асфальтлаш тўғрисидаги кўрсатмаси кўп ерларда бажарилмаётир. Масалан, ҳозиргача пахта пунктларидаги ҳамма бунт жойларининг атиги 70 процентига асфальт ётқизилган.

Кўпгина тайёрлаш пунктларида колхозларга сотиш учун етарли миқдорда қоп-қанор йўқ.

Ўтган йили 200 минг тонна пахта қоп-қанорсиз ташилган бўлса, бу йил 1 миллион тонна пахта қоп-қанорсиз ташилиши керак. Кўриниб турибдики, қоп-қанорсиз келтирилган пахтани қабул қилиб олишга жиддий ҳозирлик кўриш зарур. Пахта заводлари ва тайёрлов пунктларидаги партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари пахта ташишнинг бу прогрессив усулини кенг жорий қилишга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Республикамизнинг машинасозлик корхоналари пахтачиликни ривожлантиришга гоят катта ҳисса қўшиб келаётгани ҳаммага маълум. Лекин баъзи корхоналар ўз зиммасига юкланган масъулиятга яраша иш қилмаётир. «Ўзбекхлопкомаш» заводи йиғим-терим мавсумигача «ПТХ-20» маркали пахта қабул қилувчи ва узатувчи машинадан 243 тасини ишлаб чиқариши керак эди. Аммо, ҳозиргача бу топшириқ тўла бажарилгани йўқ.

«Чирчиксельмаш» заводи коллективи зиммасига пландан ташқари «6-Т-10» маркали 20 метрли транспортёрдан 50 дона тайёрлаб бериш вазифаси юклатилган эди. Лекин корхона маъмурияти бу ишга совуққонлик билан қараганлиги натижасида пахта пунктларга ниҳоятда зарур бўлган бу транспортёрларни ҳали ҳам ололмаётирлар

Ватанга 3 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш — ўзбек халқининг интернационал бурчидир. Шунинг учун ҳам республикамиздаги пахта тозалаш саноати ва пахта тайёрлаш пунктларининг коллективлари етиштирилган мўл ҳосилни барвақт йиғиштириб олиш, бенуқсон қабул қилиш ва ўз вақтида сифатли қайта ишлашга ҳисса қўшишлари лозим.

Тайёрлов пунктлари ва совхозларнинг ходимлари олдида турган энг муҳим вазифа — давлат интизомига қаттиқ риоя қилишдан, пахтани қабул қилиш ва асраш қоидаларининг бузилишига, сортининг бузилишига, ифоф бўлишига йўл қўймасликдан иборат. Пахта тайёрлаш пунктларининг ходимлари уруғлик пахтани қабул қилишдек нозик ишда айниқса эҳтиёт бўлишлари лозим. Тўқимачилик корхоналарига аъло сифатли тола юбориш пахта тозаловчиларнинг энг муҳим бурчидир.

Тошкент областининг донгдор пахтакорлари Турсуной Охунова, Ҳаким Қодиров, Тошмамат Алижонов, шунингдек Пахта ва Пискент пахта тозалаш заводлари ҳузуридаги тайёрлов пунктларининг ходимлари давлатга нуқул юқори сифатли пахта сотиш учун курашнинг ташаббускори бўлдилар. Ҳамма жойда бу ташаббусни кенг қўллаб-қувватлаш ва авж олдириш маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVI съездининг меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган мусобақада пахтакорларимиз, пахта тайёрловчиларимиз ва тозаловчиларимиз ҳам актив қатнашмоқдалар. Бу умумхалқ мусобақаси дастлабки кунлардаёқ ажойиб самаралар бераётир. Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари омма ўртасидаги ташкилотчилик ишларини кучайтириш йўли билан бу самараларни яна ҳам кўпайтиришга эришмоқлари лозим.

Шундай қилайликкки, қисқа вақт ичида пахта заводлари, тайёрлов пунктлари ва қуритиш-тозалаш цехлари ишидаги нуқсонлар батамом тугатилсин, ҳамма жойда пахтани қабул қилиш, асраш ва қайта ишлаш намунали уюштирилсин.

Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхозининг далаларида бу йил «оқ олтин» мўл бўлди. Колхозда пахта йиғим-терими тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Колхозчилар пахта тайёрлаш йиллик планини КПСС XXII съезди очиладиган кунгача бажариш мажбуриятини олдилар. Суратда: 7-бригаданинг илғор теримчиси Мухтарам ЭНГАЛОВА.

А. Горонрин фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР да пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1961 йил 6 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

ОБЛАСТЛАР	Пахта тайёрлаш (планга нисбатан процент ҳисобида)		пахтани қоп-қанорсиз ташиш (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)
	Бир кунда	мавсум бошидан бери	Мавсум бошидан бери
Сурхондарё	1,15	6,27	0,92
Андижон	1,01	3,90	1,44
Фарғона	0,78	3,06	0,21
Тошкент	0,65	2,14	—
Самарқанд	0,48	2,10	0,14
Хоразм	0,48	1,05	0,12
Қорақалпоғистон АССР	0,42	0,99	0,11
Бухоро	0,37	0,92	0,01

ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ПИСКЕНТ. Тельман номли колхоз теримчилари орасида кўпминг килограммчилар ҳаракати кучаймоқда. Нури Қўшматова Рисолат Отақулова, Мамлакат Тўраева, Нишонгул Ўрозова ўртоқлар бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Т. ҚОСИМОВ.

ЧУСТ. «Ленинград» колхозининг Тожира Сиддиқова бошлиқ бригадаси аъзолари Турсуной Охунова ва Ҳаким Қодиров бошлиқ бригадалар ташаббусига қўшилиб, ҳосилнинг 90 процентини биринчи сортга топширишга аҳд қилдилар.

А. ЗОИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИГА ТЕХНИКАВИЙ РАҲБАРЛИК САВИЯСИ ОШИРИЛСИН, КОЛХОЗЛАРАРО ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТУБДАН ЯХШИЛАНСИН

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қишлоқ қурилишига техникавий раҳбарлик савиясини ошириш ва колхозлараро қурилиш ташкилотларининг фаолиятини тубдан яхшилаш тадбирлари ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Қабул қилинган қарорда таъкидлаб ўтиладики, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектида совет қишлоқларининг коммунистик ижтимоий муносабатларга аста-секин ўта бориши ва шу тариқа шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший тафовутларни асосан йўқота бориш кўзда тутилган. Бу эса колхоз қишлоқларининг қиёфасини тубдан ўзгартириш билан боғлиқдир; колхоз қишлоқлари аста-секин обод уй-жойлари, коммунал хизмат кўрсатадиган, маиший корхоналари, маданий ва медицина муассасалари бўлган шаҳар типидаги йирик аҳоли пунктларига айланади.

КПСС Программасида кўрсатиб ўтилганидек, **«Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши билан колхозлараро ишлаб чиқариш алоқалари ривожланади, хўжаликни умумлаштириш процесси айрим колхозлар доирасидан чиқиб кетади. Бинобарин, колхозлараро корхоналар ва маданий-маиший муассасаларни, давлат-колхоз электр станцияларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки ишлаш, сақлаш ва ташиш корхоналарини, ҳар турли қурилиш корхоналарини, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ва бошқа корхоналарни биргаликда қуриш практикасини кенгайтириш лозим. Ижтимоий бойлик ўса борган сари колхозлар умумхалқ фойдаланадиган корхоналар ва маданий-маиший муассасалар, мактаб-интернатлар, клублар, касалхоналар ва дам олиш уйларини ташкил қилишда тобора кўпроқ иштирок этадилар. Ихтиёрийлик асосида ва зарур иқтисодий шароитлар мавжуд бўлгандагина юз бериши лозим бўлган бу процессларнинг ҳаммаси колхоз-кооператив мулкига аста-секин умумхалқ мулки характерини бериб боради».**

Республиканинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ҳозирнинг ўзидаёқ қишлоқдаги қурилишларни тубдан яхшилаш, бу қурилишларга техникавий раҳбарлик савиясини ошириш юзасидан сира, кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни белгилашлари лозим. Бу тадбирлар амалга оширилиши натижасида колхоз қишлоғини тубдан қайта қуриш вазифаларини муваффақиятли бажариш мумкин бўлади.

Кейинги икки йил ичида республикамизда колхозлараро қурилиш ташкилотларининг кенг тармоги вужудга келди. Бу йил 92 та колхозлараро қурилиш ташкилотининг кучи билан 123 та мактаб, 28 та мактаб-интернат, 92 та болалар боғчаси ва яслиси, 31 та клуб, 61 та касалхона, 530 та чорвачилик бинолари, 1150 та уй-жой бинолари, шунингдек, водопроводлар, йўллар ва бошқа объектлар қурилмоқда.

Колхозлардаги қурилишларни пудрат усули билан колхозлараро қурилиш ташкилотлари орқали олиб бориш қурилиш ишларини ташкил этиш ва планлаштиришни анча яхшилайди, қурилиш муддатини қисқартиради, унинг сифатини яхшилайди, шунингдек, колхозлар ажратаётган капитал маблағлардан рационал фойдаланишга имкон беради.

Аммо ана шу имкониятлардан коникарсиз фойдаланилмоқда. Қишлоқ жойлардаги қурилишларнинг техникавий даражаси шаҳар ва ишчи посёлкалардаги қурилишларнинг техникавий даражасидан анчагина паст. Қишлоқ қурилишларининг ишлаб чиқариш-техника базаси, одатда, саноат ва шаҳар қурилишининг ишлаб чиқариш-техника базасидан ажралган ҳолда вужудга келтирилмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ жойлардаги қурилишларнинг моддий-техника базаси кичик-кичик корхоналардан иборат бўлиб қолаяпти. Қишлоқдаги қурилишлар билан боғлиқ бўлган техникавий масалаларни турли ташкилотлар ҳал қилмоқдалар. Бу ташкилотларнинг ишини ягона техникавий орган мувофиқлаштириб турмаяпти.

Колхозлараро қурилиш ташкилотларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари билан коникарсиз таъминланаётганлиги, лойиҳасиз қуриш ҳоллари рўй бераётганлиги ҳамда биноларни қуриш район планлаштириш схемаси ва генерал планлар билан боғланмаётганлиги, техник шартларни кўпол равишда бузиш фактлари содир бўлаётганлиги, қишлоқдаги қурилишлар сифатининг пастлиги ва таннархининг қимматлиги, қурилаётган объектларга маблағ етказиб беришнинг ёмон ташкил этилганлиги, моддий-техника таъминотидаги камчиликлар — буларнинг ҳаммаси колхозлардаги қурилишларнинг суръатини сусайтириб, сифатини пасайтирмоқда.

Колхозлардаги қурилишларни планлаштиришда жиддий камчиликлар бор. Натижада маблағларни сочиб юбориш ва улардан фойдаланмаслик ҳоллари рўй бермоқда. Баъзан зарур бўлмаган ҳолларда ҳам қимматга тушадиган объектларни қуришга йўл қўйилмоқда.

Матлубот кооперацияси органлари қишлоқ қурилишларига тасдиқланган фондлар бўйича ёғоч ва бошқа қурилиш материалларини етказиб беришни кўпинча кечиктирмоқдалар.

Колхозлараро қурилиш ташкилотларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари билан коникарсиз таъминланаётганлиги, лойиҳасиз қуриш ҳоллари рўй бераётганлиги ҳамда биноларни қуриш район планлаштириш схемаси ва генерал планлар билан боғланмаётганлиги, техник шартларни кўпол равишда бузиш фактлари содир бўлаётганлиги, қишлоқдаги қурилишлар сифатининг пастлиги ва таннархининг қимматлиги, қурилаётган объектларга маблағ етказиб беришнинг ёмон ташкил этилганлиги, моддий-техника таъминотидаги камчиликлар — буларнинг ҳаммаси колхозлардаги қурилишларнинг суръатини сусайтириб, сифатини пасайтирмоқда.

Республиканинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ҳозирнинг ўзидаёқ қишлоқдаги қурилишларни тубдан яхшилаш, бу қурилишларга техникавий раҳбарлик савиясини ошириш юзасидан сира, кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни белгилашлари лозим. Бу тадбирларни амалга оширилиши натижасида колхоз қишлоғини тубдан қайта қуриш вазифаларини муваффақиятли бажариш мумкин бўлади.

Кейинги икки йил ичида республикамизда колхозлараро қурилиш ташкилотларининг кенг тармоги вужудга келди. Бу йил 92 та колхозлараро қурилиш ташкилотининг кучи билан 123 та мактаб, 28 та мактаб-интернат, 92 та болалар боғчаси ва яслиси, 31 та клуб, 61 та касалхона, 530 та чорвачилик бинолари, 1150 та уй-жой бинолари, шунингдек, водопроводлар, йўллар ва бошқа объектлар қурилмоқда.

Колхозлардаги қурилишларни пудрат усули билан колхозлараро қурилиш ташкилотлари орқали олиб бориш қурилиш ишларини ташкил этиш ва планлаштиришни анча яхшилайди, қурилиш муддатини қисқартиради, унинг сифатини яхшилайди, шунингдек, колхозлар ажратаётган капитал маблағлардан рационал фойдаланишга имкон беради.

Аммо ана шу имкониятлардан коникарсиз фойдаланилмоқда. Қишлоқ жойлардаги қурилишларнинг техникавий даражаси шаҳар ва ишчи посёлкалардаги қурилишларнинг техникавий даражасидан анчагина паст. Қишлоқ қурилишларининг ишлаб чиқариш-техника базаси, одатда, саноат ва шаҳар қурилишининг ишлаб чиқариш-техника базасидан ажралган ҳолда вужудга келтирилмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ жойлардаги қурилишларнинг моддий-техника базаси кичик-кичик корхоналардан иборат бўлиб қолаяпти. Қишлоқдаги қурилишлар билан боғлиқ бўлган техникавий масалаларни турли ташкилотлар ҳал қилмоқдалар. Бу ташкилотларнинг ишини ягона техникавий орган мувофиқлаштириб турмаяпти.

Колхозлараро қурилиш ташкилотларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари билан коникарсиз таъминланаётганлиги, лойиҳасиз қуриш ҳоллари рўй бераётганлиги ҳамда биноларни қуриш район планлаштириш схемаси ва генерал планлар билан боғланмаётганлиги, техник шартларни кўпол равишда бузиш фактлари содир бўлаётганлиги, қишлоқдаги қурилишлар сифатининг пастлиги ва таннархининг қимматлиги, қурилаётган объектларга маблағ етказиб беришнинг ёмон ташкил этилганлиги, моддий-техника таъминотидаги камчиликлар — буларнинг ҳаммаси колхозлардаги қурилишларнинг суръатини сусайтириб, сифатини пасайтирмоқда.

Республиканинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ҳозирнинг ўзидаёқ қишлоқдаги қурилишларни тубдан яхшилаш, бу қурилишларга техникавий раҳбарлик савиясини ошириш юзасидан сира, кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни белгилашлари лозим. Бу тадбирларни амалга оширилиши натижасида колхоз қишлоғини тубдан қайта қуриш вазифаларини муваффақиятли бажариш мумкин бўлади.

Кейинги икки йил ичида республикамизда колхозлараро қурилиш ташкилотларининг кенг тармоги вужудга келди. Бу йил 92 та колхозлараро қурилиш ташкилотининг кучи билан 123 та мактаб, 28 та мактаб-интернат, 92 та болалар боғчаси ва яслиси, 31 та клуб, 61 та касалхона, 530 та чорвачилик бинолари, 1150 та уй-жой бинолари, шунингдек, водопроводлар, йўллар ва бошқа объектлар қурилмоқда.

Қол

XXII съездолий шиорлари

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

Хўжаликка раҳбарлик янада яхшилансин

(ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

□ □ □

Совет халқи шонли Коммунистик партиясининг XXII съездини муносиб меҳнат ғалабалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқда. Ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир совет кишисининг мақсади коммунизмнинг муҳташам биносини тезроқ тиклашдир. Коммунизм халқимиз ижодий меҳнати, иродаси билан қурилмоқда. Бутун совет халқи билан бир жон-бир тан бўлиб фидокорона меҳнат қилаётган Фарғона областининг меҳнаткашлари хўжаликнинг ҳамма соҳаларида катта ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган область партия конференциясида ана шу ишлар қайд қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, КПСС янги Программаси проекти ҳақида, область партия комитетининг иккинчи секретари Г. И. Скоробогатов партиямиз Устави проекти тўғрисида доклад қилди.

Докладчилар ва музокараларда сўзга чиққан нотиқлар шуни таъкидладиларки, КПСС Программаси проекти замонамизнинг ажойиб ҳужжати бўлиб, унда инсониятнинг асл орзуси — улуғвор коммунистик жамият қуришнинг илмий жиҳатдан асосланган конкрет плани чизиб берилган. Программа проектида совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди, деб тантанали суратда эълон қилинади. Бу улуғ ҳужжат партиямиз фаолияти учун назарий ва амалий қўлланмадир.

Музокарада сўзлаган Маргилон шаҳар партия комитетининг секретари С. Козимов ҳозирги даврнинг энг муҳим ҳужжатлари бўлган КПСС Программаси ва Устави проектлари шаҳар меҳнаткашларини янгидан-янги меҳнат ғалабаларига илҳомлантираётганлигини айтди. Шаҳарда 2 минг пропагандист ва агитатор бу тарихий ҳужжатларни меҳнаткашларга тушунтирмоқда

— Ваниовск нефть заводи ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари, — деди завод партия комитетининг секретари И. Тўйчиев ўз сўзида, — КПСС Программаси ва Устави проектларини зўр қўтаринки рух билан ўрганиб, меҳнат фронтида катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Замонамизнинг буюк ҳужжати бўлган КПСС Программаси проектида инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм ғалабасини таъминлашнинг конкрет йўл-йўриқлари аниқ белгилаб берилди.

КПСС Программаси ва Устави проектларини ўрганиш Бағдод районидаги «Большевик» колхозида съезд олди социалистик мусобақасининг янада зўр куч билан авж олишига сабаб бўлди. Меҳнатсевар колхоз аъзолари КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездига яхши тортиқ тайёрлаш учун астойдил ҳаракат қиляптилар. Кўпчилик бригадаларда коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олиш учун қизғин кураш олиб борилмоқда. Бу тўғрида шу колхознинг бригада бошлиғи Ш. Абдуллаева мароқ билан гапирди.

Кувасой цемент комбинатининг директори Е. Васильев ўз сўзида Программа проектига айрим қўшимчалар киритишни таклиф этди. **Маҳаллий Советларни янада мустаҳкамлаш уларнинг ролини кўтариш ҳақида**, деди у, **алоҳида пункт киритиш керак бўлади. Чунки коммунизм ғалабаси учун кураш даврида Советларнинг фаолияти ва масъулияти янада ортиб боради.**

Қўқон давлат педагогика институтининг директори И. Расулов ўз сўзини ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш масаласига бағишлади.

— Политехник таълим, — деди у, — ҳамма жойда бир хилда кўнгилдагидек йўлга қўйилган деб бўлмайди. Политехник таълимни табақалаштирган ҳолда жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун олий ўқув юртлари, халқ маорифи органлари, партия, совет ва хўжалик ташкилотлари билан ҳамкорликда жойлар учун қандай касб эгалари кераклигини аниқлаб чиқиб, сўнгра шунга қараб мутахассис кадрлар тайёрлашни тўғри йўлга қўйиш лозим.

Конференция қатнашчилари область биринчи секретари Ўртоқ Т. Қамбаровнинг область партия комитети фаолияти ҳақидаги ҳисобот докладини кенг муҳокама қилдилар.

Конференцияда шу нарса таъкидландики, область партия ташкилоти КПСС XX ва XXI съездлари ҳамда партиямиз Марказий Комитети Пленумлари қарорларини бажара бориб, ўз фаолиятини саноат, қишлоқ хўжалиги, маданиятни ривожлантиришга, партия-вий-ташкилий ва идеология ишлари савиясини яхшилашга сафарбар этди. Ҳисобот даврида область саноати маҳсулот ишлаб чиқариш планини ортиғи билан бажариб, пландан ташқари 24 миллион сўмлик маҳсулот берди. Нефть, бензин, электр қуввати, минерал ўғитлар, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш планлари ортиғи билан бажарилди. Саноат маҳсулотларининг янги турлари — синтетик смола, селен, госсипол ишлаб чиқарish ўзлаштирилди. 6 мингга яқин рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу қарийб 4 миллион сўм иқтисод қилиш имконини берди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш тоширикларини ошириб бажарилди. 3 корхона, 247 коллектив, 823 ишчи коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдори деган шарафли номни олишга муваффақ бўлди.

Бирок кўп жойларда саноатга партия раҳбарлиги кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган. Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари саноат корхоналарида партиявий-ташкилий ҳамда сиёсий ишларни яхши йўлга қўймаганликлари натижасида шу йилнинг етти ойлик плани айрим корхоналарда бажарилмади. 41 корхона меҳнат унумдорлигини ошириш планини уддалай олмади. Бир ярим йилда 263 минг сўмлик брак маҳсулот ишлаб чиқарилган. 8-трест етти ойлик планни 87,2 процент, «Ферганаводстрой» трести — 79,5 процент, ихтисослаштирилган «Узэлектромонтаж» бошқармаси — 78,4 процент бажарди. Холос. Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводи ва азот-ўғит заводи қурилишидаги қолоқликка асло тоқат қилиб бўлмайди. Тўқимачилик, ипакчилик ва Фарғона ёғ комбинатларини реконструкция қилиш иши ниҳоятда суст бормоқда.

Ҳисобот даврида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам бирмунча ютуқларга эришилди. Утган йили давлатга гўшт, сут, пилла, сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планлари оширib бажарилди. Лекин область халқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачиликда жиддий орқасашга йўл қўйилди. Область бўйича 418 минг тонна ўрнига 351 минг тонна пахта топширилиб, план 84 процентда қолиб кетди, давлатга мўлжалдагидан 67 минг тонна кам пахта сотилди.

Бир қанча колхоз ва совхозларда, айрим районларда давлатни алдаш фактлари содир бўлди. Утган йили 8,1 минг тонна сут, шунингдек кўп миқдорда гўшт, дағал хашак, силос бостириш оширib бажарилди. Сўнги сигирларни кўпайтириш ва сут соғиб олишни ошириш масаласи билан етарли шуғулланилмади. Ҳозиргача сут топшириш йиллик плани область бўйича 50 процент миқдорида бажарилди, холос.

Область партия ташкилотлари ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари олдида ғоят масъулиятли вазифа турибди. Партия ташкилотлари бу йил давлатга 450 минг тонна пахта сотиш юзасидан олинган мажбуриятни, 61 минг тонна пахтани машинада териб олиш топшириғини бажариш учун ҳамма чораларни кўришлари лозим. Шунга эришиш керакки, сентябрь ойида йиллик планнинг 44-45 процентини, КПСС XXII съезди очиладиган кунгача эса 75 процентни миқдорида «оқ олтин» тайёрлансин.

Музокарада сўзга чиққан «Ферганаводстрой» трестига қарашли 3-қурилиш - монтаж бошқармаси экскаваторчилар бригадасининг бошлиғи С. Бахаров айтдики, ҳозир барча кишиларнинг эътибори жонажон Коммунистик партиямизнинг яқинлашиб келаётган XXII съездини муносиб кутиб олишга қаратилган. Бригада аъзолари етти йиллик планни икки ярим йилда бажариб, партия ва халқ олдидаги ўз бурчини шараф билан адо этди. Иноқ коллектив аъзолари 2620 гектар янги ерни ўзлаштирди, шу йилнинг 8 ойлик топшириғини 113 процент бажарди.

Фарғона шаҳар партия комитетининг секретари У. Абдуллаев саноат корхоналарининг иш фаолияти ва капитал қурилиши масалаларига тўхталди. У Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши, республика давлат план комиссияси раҳбарларини Фарғона азот-ўғит заводи, уй-жой қурилиши комбинатига етарли эътибор бермаётганликлари учун танқид қилди Нотиқ шаҳар аҳолисини мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий камчиликлар мавжудлигини кўрсатиб ўтди.

— КПСС XXII съездига совға қилиб гўшт тайёрлаш йиллик планини бажардик, — деди Поп район партия комитетининг секретари М. Раҳимов. — Ҳозир районимиз пахтакорлари йиғим-терим ишларини қизғин юбордилар. Шу кунгача давлатга йиллик планнинг 7 процентни миқдорида пахта сотилди. Ленин номли, «Москва», «Коммунизм», «Сталинград» колхозларининг меҳнатсевар аъзолари пахта тайёрлаш йиллик планини ҳозирдаёқ 10-12 процентдан бажардилар. Ўз интернационал бурчларини тўла ҳис этаётган районимиз меҳнаткашлари пахта топшириш йиллик планини КПСС XXII съезди очиладиган кунгача, мажбуриятни эса Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 44 йиллиги байрами кунигача бажаришга қарор бердилар.

Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси О. Фаёзова область партия комитети секретарлари Қамбаров ва Скоробогатов ўртоқларнинг иш услубини танқид қилди. Улар Фарғона район партия комитетининг собиқ секретари Мажад Абдуллаевнинг иш фаолиятини бир неча йиллар давомида кўкларга кўтариб мақтадилар, уни ҳамма ерда намуна қилиб кўрсатдилар. Эндичи? Абдуллаевни давлатни алдашда айбладилар. Менингча, деди нотиқ, область партия комитетининг бюроси ва унинг секретарлари кадрлар танлаш ва улар билан ишлашда жиддий камчиликларга йўл қўйиб келаётганликларини ана шу мисолда яққол кўриш мумкин. Абдуллаевнинг партия раҳбар ходимига хос бўлмаган ярамас қилиқлари кечириб бўлмас ҳолдир. Область партия комитети кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш иши билан жиддий шуғулланиши лозим.

Қўқон шаҳар партия комитетининг секретари Ҳ. Қориев ўз сўзида область партия комитетининг аппарати кўнгилдагидек ишламаётганини, республика министрликлари капитал қурилишига конкарсиз раҳбарлик қилаётганликларини конкрет мисоллар билан кўрсатиб берди.

Фарғона район партия комитетининг секретари А. Маҳмудов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини планлаштириш соҳасида жиддий камчиликларга йўл қўяётганлиги учун область планлаштириш бошқармасини танқид қилди. Районимизда, деди у, сув масаласи чатоқ. Бу ҳақда область партия комитетига, область ижроия комитетига жуда кўп марта мурожаат қилдик. Лекин масала ҳамон пайсалга солиб келинмоқда.

Конференция муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Конференцияда область партия комитетининг раҳбар органлари, КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездига делегатлар сайланди.

Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчевга қабрик хати қабул қилдилар.

* * *

Область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленум Т. Қамбаровни область партия комитетининг биринчи секретари қилиб, Г. И. Скоробогатовни иккинчи секретари қилиб, И. Қодиров, С. Расулев, Ш. Саломова ўртоқларни обком секретарлари қилиб сайлади.

О. АБДУРАҲМОНОВ,
И. ТЎХТАСИНОВ,
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбирлари.

Коммунистик меҳнат бригадасида

Фарғона области. Бакри Сулаймонов раҳбарлик қилаётган дурадгорлар бригадаси аъзолари шу кунларда айниқса баланд руҳ билан меҳнат қилиб, КПСС XXII съезди шарафига муносиб меҳнат совғаларини тайёрламоқдалар. 8-қурилиш трестининг 5-қурилиш-монтаж бошқармасида биринчи бўлиб коммунистик меҳнат бригадаси номини олган бу коллектив аъзолари бетон қуйиш касбини ҳам ўзлаштириб олдилар. Пешқадам бригада ишчилари съезд очиладиган кунгача йиллик планни ошириб бажаришга аҳд қилиб, смена топшириқларини 150-170 процент қилиб бажаряптилар. Шу кунларда улар арматурачилик касбини ҳам ўрганишмоқда. Суратда: Б. Сулаймонов (ўртада) раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадасининг аъзолари.

Г. Бойко фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

НУРЛИ ЧЎҚҚИЛАРГА БОРАМИЗ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программаси проектида қуйидаги ғоялар ёзилган: **«Совет адабиёти ва санъати миллионларча кишилар учун шодлик ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиши, уларнинг продаси, ҳисси ва фикрларини ифодалаши, уларнинг ғоявий бойиши ва маънавий тарбияси учун восита бўлиб хизмат қилиши лозим».** Муқаддас ҳужжатнинг бу сўзлари, том маъноси билан биз рассомларга ҳам тааллуқлидир. Шоир ва ёзувчи киши руҳининг инженери бўлгани сингари рассом ҳам одамлар руҳининг, уларнинг бой дунёси, кўп қиррали характери ва кечинмаларининг ўткир ифодачисидир. Рассомларга хос бўлган яна бир муҳим сифат шундан иборатки, унда ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни тез илғаб оладиган дидли, табиат гўзалликларини—манзараларни кузата оладиган сезгир, ёркин кўз бўлиши лозим. Партиямизнинг Программа проекти мамлакатимизда янги жамият қуриш программасидир. Аминмизки, яқин келажакда совет халқлари олдида янада порлоқ истиқболлар, нурли уфқлар очилади.

Шундай ажойиб кунлар арафасида эртанинг шавқ-завқи билан яшаётганлигинг, шундай баҳодир ва ижодкор одамлар билан бирга яшаб, нафас олаётганлигинг билан бениҳоя фахрланасан, киши!

Мен рассомман. Чизган расмларимнинг томошабинларга маънавий озиқ беришини истайман. Бу асарларнинг умуммеҳнатимизга ҳисса бўлиб қўшилганини кўриш бизга янада илҳом бағишлайди. Бой ва рангба-ранг совет воқелигимизни, қаҳрамон халқимизни севаман.

Кейинги вақтларда «Ленин ва Шарқ» график расмлар сериясини ҳамда «Архитектор ўзбек қизи иш устида» номли расмларни яратдим. Бундан ташқари, бир неча китобларга расмлар чизиб бердим.

«Ленин ва Шарқ» сериясига кирган расмлар «В. И. Ленин Мирзачўл харитаси ёнида», «В. И. Ленинга тўн кийдириш» ва «Ўзбек хотин-қизлари В. И. Ленин ҳузурида» деб аталади. Бу расмлар — ижодий ишларим, севикли Ватанимга бўлган меҳримнинг ифодасидир. Ҳозирги кунларда ижодий ғайратга тўлиб-тошган бир вазиятда яшамоқдамиз. Ижодий планларим ва режаларим бир талай. Юлдузларга уча олган космик кема ижодкорлари, қаҳрамонларимиз матонатини ифодаловчи, уларнинг бой маънавий дунёсини кўрсатувчи, гўзал табиатимизни тасвирловчи расм ва манзаралар яратиш устида ўйлаётирман. Бунинг учун партиямизнинг янги Программаси ва Устави проектлари бизга яна ҳам кенг имкониятлар яратиб беради. Бу улуғ ҳужжатда Коммунизм яқин йигирма йил ичида асосан қурилади дейилади. Ҳа, бу йигирма йил, бу нурли чўққиларга албатта борамиз.

Л. АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ рассоми.

Редакцияга ХАТЛАР

НАҲОТКИ, УГАЙ БЎЛСА

Андижондаги «Чувама» кўчасидан Андижон—Пойтуқ, Андижон—Чинобод, Андижон—Пахтаобод, Андижон—Наманган, Андижон—Жалолобод ва бошқа маршрутлар бўйича автобуслар тўхтовсиз қатнаб туради. Лекин махсус тўхташ жойининг йўқлигидан автобусларнинг бироитаси ҳам «Чувама» кўчасида тўхтамай ўтади. Бу кўчадаги йўловчилар 2-3 километр масофани пиёда босиб, ишга ва ўқишга қатнайдилар. Узундан-узоққа кетган, серқатнов, аҳоли зич бу кўчада бирорта чойхона, магазин, ҳатто ларек ҳам йўқ. Кишилар энг оддий эҳтиёж учун ҳам шаҳарга боришга мажбур бўладилар.

Электр ва водопровод тармоқлари бу кўчага жуда яқин бўлса-да, аҳоли электр ва водопровод билан таъминланмаган. Областимиздаги кўпчилик қишлоқ ва колхозларда, ҳатто энг чекка жойларда ҳам электр бор, магазинлар очиқ, у ерга автобус қатнаб туради.

Наҳотки, бизнинг кўчамиз ўгай бўлса!

М. ТОЖИБОЕВ,
Я. АБДУВАЛИЕВ,
шу кўчада яшовчилар.

ОҚТОШ САНАТОРИЙСИ КЕНГАЙТИРИЛИШИ КЕРАК

Аксари кишилар, яхши дам олиш ҳақида гап кетганда дарҳол Қрим ёки Кавказни, Қора денгиз соҳилларини кўз олдиларига келтирадилар. Лекин, ҳудди ёнгинамиздаги ажойиб, манзарали шифобахш, об-ҳаво ва табиий шароитлари рохатижон жойлар ҳаммани ҳам эсига келавермайди. Шундай жойлардан бири Тошкентдан 60 километр узоқликда бўлган Бўстонлиқдаги Оқтош санаторийсидир.

Тоғ ёнбағирларида, денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлашган бу жойнинг ҳавоси, манзараси ҳар кимни ҳам мафтун қилади.

Ҳозир бу ерда санаторий, иккита пионер лагери бўлиб, ёз ойларида минглаб меҳнаткашлар, мактаб ўқувчилари дам олиб, даволанадилар. Оқтош санаторийсида 250 бемор даволаняпти. Улар учун барча шароитлар яратиб берилган.

Лекин Оқтош санаторийси янада кенгайтирилиши, бу ерга қишки бинолар ва қўшимча даволаш хоналари қуриб, медицина ходимлари билан етарли таъминлаш, уни бутун йил давомида ишлайдиган қилиш, зарур. (Ҳозир санаторий фақат ёз ойларида ишлайди).

Семашко номидаги республика курортология ва физиотерапия институти бу санаторийнинг шифобахш манбаларини кенгроқ ўрганиши лозим. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги санаторийни янада кенгайтириб, чинакам шифохонага айлантириш масаласини ўйлаб кўрса, яхши бўлур эди.

Н. ШОМАТОВ,
медицина фанлари доктори.

ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАР ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА

НУКУС. (**«Қизил Ўзбекистон»-мухбири**). Қорақалпоғистон давлат нашриёти Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программа ва Устави проектларини қорақалпоқ тилида нашр этди. Кўп нусхада босиб чиқарилган бу китобчаларни меҳнаткашлар зўр қизиқиш билан сотиб олмоқдалар.

КОММУНИЗМ ДАВРИДА ЖИСМОНИЙ ВА АҚЛИЙ МЕҲНАТ

Академик П. ЮДИН.

<>

Коммунистик жамият ўзидан аввал ўтган барча формациялардан фарқли равишда стихияли тарзда таркиб топмайди, балки кишиларнинг тарихий тараққиётнинг объектив қонунларини билишга асосланган онгли ва планли фаолияти натижасида таркиб топади. Коммунистик партия халқини кураш ва ҳаракат қилишнинг илмий жиҳатдан асосланган программаси билан қуроллантирмоқда. Эндиликда, СССР коммунизм қурилишини кенг авж олдириш даврига қадам қўйган вақтда, бизнинг партиямиз ўзининг янги Программасини — коммунистик жамият қуриш программасини умумхалқ муҳокамасига қўйди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги коммунистик қурилишнинг асосий вазифаларини ана шу ҳужжатда белгилаб берилди. Мақсадларнинг ва бу мақсадларга эришиш йўлларининг равшанлиги, имкониятлар окилона тарзда анализ қилинганлиги ва вазифалар илмий жиҳатдан атрофлича асослаб берилганлиги назария билан практика чамбарчас боғланганлиги — Программа проектининг характерли хусусиятлари ана шулардан иборатдир. Бу ҳужжатда коммунистик қурилишнинг асосий вазифалари қўйилибгина ва бу вазифаларни ҳал қилишга эришиш муддатлари белгиланибгина қолмай шу билан бирга социализмнинг коммунизмга ўсиб ўтишининг асосий шартлари ҳам батафсил таҳлил қилиб берилади.

Маълумки, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни тугатиш — ана шу шартларнинг биридир. Бу проблемани ҳал қилиш коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш ва янги одамни тарбиялаб камолотга етказиш билан узвий боғлангандир.

I.

Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни тугатиш, ишлаб чиқарувчи кучларни юксак даражада ривожлантириш илмий-техника тараққиёти асосида амалга оширилади. Илмий-техника тараққиёти, биринчидан ишлаб чиқариш техникасининг такомиллаштирилишида ва, иккинчидан, ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларининг инженер-техник тайёргарлиги ҳамда умумий маданий савияси оширилишида ўз ифодасини топади. Ишлаб чиқариш техникасини такомиллаштиришга саноат ва қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, автоматлаштириш, кимёлаштириш, ҳом ашёнинг ва энергия манбаларининг янги турларидан фойдаланиш йўли билан эришилади.

Илмий-техника тафаккурининг энг янги муваффақиятларини доимий суратда қўлланиш ва бу муваффақиятлардан максимал даражада фойдаланиш социалистик ишлаб чиқариш учун характерли бўлиб, бу нарса меҳнатнинг ташкил этилишини, мазмунини ва меҳнатнинг ўз характерини ҳам ўзгартиради. Меҳнат процесси умуман жисмоний фаолият билан ақлий фаолият элементларини ўз ичига олади. Меҳнат операцияларида одамнинг қўллари ҳам, мияси ҳам иштирок этади. Лекин уларнинг иштирок этиш даражаси бир хил бўлмайди.

Жисмоний меҳнат устун даражада билак кучига асосланади, лекин ишлаб чиқариш техникаси такомиллашиши билан меҳнат операцияларида билак ва ақл кучи сарфлашдаги нисбат ақл ишлатиш фойдасига узлуксиз суратда ўзгариб боради. Жисмоний меҳнатда ақлий фаолиятнинг ҳажми ва роли бу хилда ортиб бориши жисмоний меҳнатнинг ўрнини ақлий меҳнат эгаллашига ёки жисмоний меҳнат ақлий меҳнат билан алмаштирилишига олиб бормайди. Бироқ, илмий-техника тараққиётининг муваффақиятлари одамнинг ишлаб чиқаришдаги фаолиятини ақибат натижада кнопкаларни ўйламай-нетмай босишдангина иборат қилиб қўяди, деган тасаввур ҳали сақланиб келади. бу тасаввур юқоридаги фикр каби хато ва очиқдан очиқ қарама қарши тасаввурдир.

Кибернетика эришган муваффақиятлар сабабли техника интеллигенциясининг айрим қисми ўртасида техниканинг роли ҳақида нотўғри тасаввурлар пайдо бўлди. Кибернетика машиналари одамнинг ақлий меҳнатига муҳим таъсир кўрсатади. Ҳозирги замон ҳисоблаш машиналари метематика операцияларини одамга нисбатан беқиёс даражада тез ва гарантияланган аниқлик билан бажаради Лекин машина ҳеч қачон одамнинг ўрнига фикр юритиш вазифасини том маъноси билан бажара олмайди. Машина, жуда бўлганда, расмий-мантиқий операцияларни бажаришда одамнинг қиладиган ишини қилиши мумкин, лекин унинг ўрнини боса олмайди. Программани ўзи тузиб ишлайдиган энг мукаммал машиналарнинг иши одам ўйлаб топган, ишлаб чиққан ва машинага топширган бошланғич маълумотларга асосланади.

Чиндан ҳам коммунизм даврида техника энг мукаммал машина ва механизмлардан иборат бўлса-да, лекин бу нарса одамни жисмоний меҳнатдан ҳам, ақлий меҳнатдан ҳам озод қилмайди. Ишлаб чиқариш техникасининг такомиллашиши ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатнинг бир-бирига яқинлашувига ёрдам беради, бунинг натижасида меҳнатнинг у ёки бу тури бекор қилинмайди. йўқ бўлиб кетмайди, балки бирлашади, узвий тарзда бир-бирига қўшилаб кетади.

Жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнатнинг бир-бирига яқинлашуви икки томонлама процесс бўлиб, меҳнатнинг ҳар икки турида юз берадиган муҳим ўзгаришлар асосида амалга оширилади. Жисмоний меҳнат оғир, машаққатли меҳнатнинг тимсоли бўлмай қолади, жисмоний меҳнатнинг бунга ўхшаш турлари батамом йўқ бўлиб кетади. Айни вақтда автоматик тарзда амалга ошириладиган бир маромдаги механик операциялар йўқ бўлиб кетади Барча меҳнат операцияларининг мазмунни ва умуман меҳнат процессининг характери тамомила ўзгаради. Ишлаб чиқариш техникаси такомиллашган сайин жисмоний меҳнат механизмлар ишини контроль қилиш ва созлаб туришга тобора кўпроқ марказлашаверади, яъни инженер-техниклар фаолияти билан тобора кўп даражада яқинлашаверади, бу фаолиятнинг бир турига айланиб бораверади.

Ишлаб чиқариш техникасининг такомиллашиши илмий-техника тараққиётининг бошқа жиҳати билан, меҳнаткашларнинг инженер-техниклик ва умумий маданий савияси тўхтовсиз оша бориши билан чамбарчас боғлангандир. «Техника тараққиёти ишлаб чиқариш маданиятига, барча ходимларни махсус ва умумий таълим бериб тайёрлашга талабини анча оширади», — деб уқдирилади КПСС Программаси проектида.

Ҳозирги замон техникасининг вужудга келтирилиши, жорий этилиши ва ўзлаштирилишининг ўзи ишлаб чиқаришдаги барча ходимларнинг маданий-техника савияси юқори бўлишини, улар ўз билимларини муттасил такомиллаштириб боришларини, малакаларини ошириб боришларини талаб қилади. Ишлаб чиқариш техникаси ўзгариши билан ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари ҳам ўзгариб борадилар. Ишлаб чиқариш техникаси нақадар мукаммалроқ бўлса, ишлаб чиқарувчиларнинг инженер-техниклик ва умумий маданий савияси шу қадар юқори даражага кўтарилади. Ишлаб чиқариш тобора кўпроқ даражада илмий базага асосланган бўлади ва ҳозирги замон корхоналарида назарий ва амалий билимларнинг негизларини билмай туриб, ишлаб чиқариш процессларини амалга ошириш мумкин бўлмай қолади. Ишлаб чиқариш техникасидаги ўзгаришлар билан бир қаторда меҳнаткашларнинг малакасини ва умумий таълим савиясини янада ошириш техника тараққиётини жадаллаштиришнинг энг зарур шартидир. Шунинг учун олимлар ишлаб чиқариш фаолиятида тобора кўп даражада бевосита иштирок этаётган бўлсалар, иккинчи томондан, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг оддий ходимлари илмий тадқиқот ва экспериментларни ўтказишда тобора кенг миқёсда қатнашмоқдалар. Ишчиларнинг меҳнати инженер-техниклар меҳнатига ва ҳатто илмий тадқиқот фаолиятига айланиб борган сари ишчиларнинг ўзлари зиёлилар даражасига кўтариларадилар.

Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни тугатиш совет жамиятининг социал структурасини ўзгартириш билан ва, жумладан, бир томондан, ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги, иккинчи томондан, интеллигенция ўртасидаги тафовутларни йўқотиш билан чамбарчас боғлангандир.

«Коммунизм ғалаба қилгач, — дейилади КПСС Программаси проектида, — кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўзвий равишда бирлашиб кетади. Интеллигенция алоҳида социал қатлам бўлмай қолади, чунки жисмоний меҳнат ходимлари ўз маданий техника савияси жиҳатидан ақлий меҳнат кишилари даражасигача кўтариладя».

II.

Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутлар йўқола борган сари кишилар ақлий меҳнат ва жисмоний меҳнат ходимларига, интеллектуал касблар ва жисмоний касбларнинг вакилларига ажратилмайдиган бўлиб қоладилар.

Бундан келажакда касблар умуман йўқ бўлиб кетар экан деган маъно чиқадими?

Бу хусусда бир-бирига тамомила қарама-қарши фикрлар мавжуд: бир хил кишиларнинг фикрича, техника тараққиёти меҳнатнинг тақсимланишини ва ихтисослаштирилишини тугатишга олиб келади, иккинчи хил кишиларнинг фикрича меҳнатнинг тақсимланиши давомсиз суратда чуқурлашиб бораверади, тобора янги-янги ихтисослар вужудга келиши хисобига ихтисослар сони муттасил суратда кўпаяверади. Ҳақиқатда эса техника тараққиёти амалдаги меҳнат тақсимотини ва ҳозирги бир қанча касбларни тугатишга олиб келади, лекин бу нарса меҳнат тақсимоти ва уни ихтисослаштириш умуман тугатилади, деган гап эмас. Меҳнатнинг профессионал тақсимланиш характери, шубҳасиз, ўзгаради, у ҳозирги пайтнинг ўзидаёқ ўзгармоқда ва ана шу процессининг асосий тенденцияси турли касбларнинг илмий-техника негизларининг умумийлиги ортиб бораётганлигидан иборатдир. Шу асосда меҳнатнинг тор ихтисослашган, қисман тақсимланиши тугатилади, бинобарин, касблар сони анча камаяди. Шуни айтиш кифоякки, илгари бутун халқ хўжалиги учун мавжуд бўлган ва барча ишлаб турган кишиларнинг 67,2 процентини қамраб олган 2.888 та умумий (сидирға) касб ва ихтисос ҳозирги вақтда 187 касб ва 127 ихтисос бўлиб бирлашган, яъни 314 тагача кисқарган. Бунда малака талаб қилинмайдиган меҳнат билан боғлиқ бўлган касблар ва ихтисосларнинг муайян тури йўқолиб боради. Айрим кишиларнинг фикрича, техника тараққиёти малакали меҳнатнинг тугатилишига, юқоридаги ричаглар ва шу кабиларни босишдангина иборат машъум оқибатга олиб келаётган эмиш. Бундай ҳол ҳақиқатда ҳам юз бериши мумкин, лекин бу нарса яхшини тилсиз машинага айлантирувчи капиталистик ишлаб чиқариш шароитидагина юз беради. Капитализм шароитида техника тараққиёти малакали меҳнатни ситиб чиқаришга ва уни малака талаб қилинмайдиган меҳнат билан алмаштиришга олиб келмоқда. Масалан, 1955 йилда АҚШда атиги 5 миллион малакали ишчи бўлганлиги фактининг ўзиёқ бундан яққол далолат бериб турибди.

Социализм шароитида техника тараққиёти малака талаб қилинмайдиган меҳнатнигина тугатишга ҳамда ходимларнинг малака даражасини оширишга олиб келаётир.

Коммунизм, деб таълим берган эди Ленин, капиталистик меҳнат унумдорлигига нисбатан энг юқори меҳнат унумдорлиги демакдир. Ленин меҳнат унумдорлиги ходимларнинг малакасига бевосита боғлиқлиги. Бинобарин, коммунизм халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги меҳнаткашларнинг малакаси энг юқори даражада бўлишини тақозо этади. Коммунистик жамият меҳнаткашлари машиналарнинг ишини пассивлик билан кузатиб турувчи кишиларга айланиб кетмайдилар ва турли соҳаларнинг мутахассислари бўлмай қолмайдиларгина эмас, балки бунинг аксича, энг юқори даражали мутахассис бўладилар. Аммо энг юқори даражадаги бу ихтисослашиш тор доирадаги ихтисослашиш деган гап эмас, бундай ихтисослашиш маълумот савияси юқори бў-

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИГА ТЕХНИКАВИЙ РАҲБАРЛИК САВИЯСИ ОШИРИЛСИН, КОЛХОЗЛАРАРО ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТУБДАН ЯХШИЛАНСИН

(Боши биринчи бетда).

Колхозлардаги қурилишлар учун титул рўйхатлар район ижроия комитетлари томонидан қараб чиқилиши ҳамда область ижроия комитетлари ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг тасдиқига «Узсельхозтехника» органларининг иштироки билан 1 октябрдан кечикмасдан тақдим этилиши керак. Ана шунда титул рўйхатга кирган қурилишлар ўз вақтида ва белгиланган тартибда ер участкаси ва лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминланиши мумкин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун лойиҳалаштирилаётган ва қурилаётган объектларнинг норматив техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қишлоқ қурилиши соҳасидаги лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот ишларини координациялаш;

уй-жой, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший биноларнинг асосий типовой лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қишлоқ жойларда қурилишни планлаштириш;

қишлоқ қурилиш ташкилотларига техника ёрдами кўрсатишни ташкил этиш, қишлоқ қурилиши бўйича тажриба ва информация алмаштириб туриш;

тажриба-намуна ва экспериментал қурилишларни ташкил этиш;

қишлоқ қурилишини ташкил этиш ва механизациялаш усулларини ва формаларини умумлаштириш, индустриал методларни қўлланиш бўйича тавсияларни тайёрлаб бериш;

қурилиш таннархини камайтириш ва қурилиш муддатларини қисқартириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек, ишлаб чиқариш-техника базаси корхоналарининг типовой лойиҳаларини ташкил этиш ва ишлаб чиқиш ҳамда партия ва ҳукуматнинг қишлоқ қурилишига техникавий раҳбарлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш-техника базасини ривожлантириш, типовой лойиҳаларни қўлланиш бўйича қабул қилган қарорларининг бажарилишини контроль қилиб туриш.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети шунга қаттиқ ишонадиларки, республикамизнинг қишлоқ қурувчилари КПСС XXII съездини етти йиллигининг учинчи йили топширяқларини бажариш билан кутиб олиш учун бутун кучларини сафарбар этадилар.

ХИРМОНГА БАРАКА!

Янгийўл пахта заводида иш қизғин. Кетма-кет «оқ олтин» карвонлари келиб турибди. Янгийўл районидаги Жданов номли, Карл Маркс номли колхозлар пахта йиғим-теримига уюшқоқлик билан киришиб, хирмонга дастлабки тонналарни тўкмоқдалар. Жданов номли колхозда (раиси ўртоқ Кан Унд Он) пахта терими бошланганига ҳали ярим ой ҳам бўлгани йўқ. Шу қисқа муддат ичида колхоз пахтакорлари давлатга 100 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширдилар. Алиқулов Сайдали ва Угай Ен Гир раҳбарлигидаги бригадаларнинг колхоз хирмонига қўшаётган ҳиссаси айниқса баракали бўлялти. Колхоз аъзолари КПСС XXII съезди очиладиган кунгача йиллик планни бажариш мажбуриятини олишган.

Биз Янгийўл пахта заводида Карл Маркс номли колхоз пахтасини топшираётган Саҳрот Баҳриев билан танишиб қолдик.

— Теримни ғайрат билан бошлаб юбордик, — дейди Саҳрот ака, — дастлабки тонналар — мўл ҳосил қалдиргочлари. Ҳа, хамир учидан патир бўлар!

Карл Маркс номли колхознинг 2- ва 11-бригадаларида терим қизғин бошланиб кетди. Сора Қўзиева, Омонгул Азизова, Ғаниҳа Камолова каби чевар теримчилар нормани 1,5-2 ҳисса ошириб бажармоқдалар.

Янгийўллик пахтакорлар районнинг шуҳратини тиклашга қаттиқ киришиб, бу йил давлатга 46 минг 300 тонна пахта топширишлари керак. Хирмонга дастлабки тонналар тўкилди. Галдаги вазифа — бутун район бўйича йиғим-теримни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишдан иборат.

А. АБДУҚОДИРОВ,
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири.

ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ ТАЙЁР ЭМАС

НУКУС. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Қорақалпоғистон АССР пахтакорлари етти йилликнинг учинчи йилида Ватанга камида 250 минг тонна пахта сотиш учун курашиб, шу мажбуриятнинг тўла бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай қисқа вақт ичида йиғиштириб олиш йиғим-теримга пухта тайёргарлик билан киришилишига, ишда уюшқоқлик кўрсатилишига боғлиқдир.

Автоном республиканинг илғор колхоз ва совхозлари янги ҳосилни йиғиб-териб олишни ҳар йилдагидан ҳам эрта бошлаб юбордилар. Улар Андижон область пахтакорларининг ташаббуси асосида ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш, КПСС XXII съездини муносиб меҳнат совғаси билан нишонлаш учун астойдил курашмоқдалар. Илғорлар йиғим-теримни пухта тайёргарлик билан кутиб олганликлари сабабли уларнинг дала ишлари суръатини кундан-кунга тезлаштиришларига ҳеч нарса ҳалақит бермаётир.

Бироқ, автоном республиканинг ҳамма колхоз ва совхозлари ҳам йиғим-теримни шайланиб кутиб олдилар, деб бўлмайди. Кўпгина хўжаликларда пахта қуритадиган хирмон жойлар ремонт қилинган эмас, қоп-қанорлар, терим этаклари етишмайди.

Бу йил автоном республикада 50 минг тонна пахта машиналарда териб олиниши, 80 минг тонна ҳосил тайёрлов пунктларига қоп-қанорсиз етказиб берилиши керак. Бу вазифани муваффақиятли бажариш учун ҳамма имкониятлар бор. Лекин пахтани машинада теришга, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишга жуда суст тайёргарлик кўрилмоқда. Бу ерда пахта териш агрегатларининг энди ярмидан сал кўпроғи ремонт қилинди. Кўрак териш, кўсак чувиш агрегатларининг учдан бир қисми ремонтдан чиқарилди.

«Халқобод» совхози ўтган йили пахтани машинада териш планини бажармади. Совхоз бош агрономи Обод Қулбоевнинг айтишига қараганда, бу аччиқ сабоқдан тегишли хулоса чиқариб олинмоқда, ҳамма иш силлиқ кетяпти. 1950 тонна пахтани машинада териш планлаштирилган, бунинг учун энг яхши ерлар, ҳосилдор карталар, текис участкалар ажратилган, ҳосили машинада териладиган карталарнинг четларига қозиқлар қоқиб қўйилган. Совхозда ғўза барглариии сунъий равишда тўктириш учун дорилашга тез кунда киришилади. Терим машиналарининг ҳаммаси 15 сентябрдан кечиктирилмай ишга туширилиб юборилади.

Бироқ, текшириш бунинг тамоман аксини кўрсатди. Биз устахонада 8 та «ХВС-1.2» ва 10 та «СХМ-48М» маркали агрегатларнинг чанг босиб, занглаб ётганлигини кўрдик. Янги сотиб олинган 11 та «ХВС-1.2» маркали пахта териш машинасини ҳисобга олмаганда битта ҳам терим агрегати дала ишларига тайёр эмас. Машиналарнинг баъзи запас қисмлари етишмайди. Совхоз директори Давлат Жумабоев бундай запас қисмларни топишни ўйламаётир. «Узсельхозтехника»нинг Қорақалпоғистон АССР бирлашмаси ҳам етишмаётган запас қисмларни топиб бериш ҳақида қайғирмаётир.

Устахонада пахта териш агрегатларини ремонт қилишда ҳар куни 36 киши ишлаши керак. Бунинг ўрнига 14 киши ишлаяпти. Совхознинг 4- ва 19-бригадаларида пахта териш машиналарини ремонт қилиш учун энг яхши механизаторлар жалб қилинган эмас. 20- бригадада терим машинасини ремонт қилиш механик-ҳайдовчи Донагул Абибовага юклатилган. Аммо у шу вақтгача устахонани кўрган эмас. Натижада терим агрегатлари ремонтсиз ётибди. Совхоздаги мавжуд 22 та кўрак териш машинасини ремонт қилишга шу вақтгача киришилгани йўқ. 46 та прицепнинг кўпи ремонт қилинмаган.

Бунинг сабаби шуки, совхоз директори ўртоқ Д. Жумабоев устахонага ҳафталаб бош суқмайди, ишчиларнинг аҳволидан хабар олмайди. Уларнинг ишлашлари учун яхши иш шароити яратиб берилган эмас.

«Октябрь 40 йиллиги» совхозида ҳам аҳвол худди шундай. Бу ерда 33 та терим агрегатидан атиги 17 таси ремонтдан чиқарилди. Пахта териш, кўрак чувиш, кўсак гозалаш машиналарини дала ишларига ўз вақтида тахт қилиб қўйиш ҳақида ҳеч ким қайғирмайди. Хўжайин, Қўнғирот районларида, Беруний районидаги Оржоникидзе номли, Киров номли, Тўрткўл районидаги Димитров номли ва бошқа колхозларда ҳам ҳосилни машинада теришга тайёргарлик ишлари кечиктириб юборилмоқда.

Ўтган йили Қорақалпоғистон хотин-қизларидан 80 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ташаббусига қўшилиб, механик-ҳайдовчи бўлиш мақсадида механизаторлар тайёрлаш курсига кириб ўқиган ва терим машинасини бошқаришни пухта эгаллаб олган эди. Ана шулардан кўпи астойдил ишлаб, мавсумда 250 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлди. Масалан, Амударё районидаги «Ленинизм» колхозининг турсунойчи механик-ҳайдовчиси Ойим Камолова ўзига биркитилган «ХВС-1.2» машинасида 250 тонна пахта терди. Автоном республикада хотин-қизлардан бундай азамат механик-ҳайдовчилар кўплаб етишиб чиқди.

Аммо бу ерда бу йил турсунойчилар сафини янада кенгайтиришга жиддий эътибор бериш ўрнига уларнинг камайиб кетишига йўл қўйилмоқда. Қорақалпоғистонлик турсунойчилардан ҳозир ўнлаб хотин-қиз ўз севган касбини ташлаб, бошқа ишларда ишламоқда. Механизаторлар тайёрлаш курсида 800 хотин-қизнинг ўқиши планлаштирилгани ҳолда 400 га етар-етмас аёл ўқитилмоқда. Бу эса жуда ачинарли бир ҳолдир.

Пахтани машинада теришга оммавий равишда киришиладиган кунлар келиб қолди. Ҳосилни машинада теришнинг муваффақияти бу ишга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрилишига боғлиқдир. Қорақалпоғистон АССР партия ва совет ташкилотлари буни сира унутмасликлари, пахта теримини кенг кўламда машиналаштириш, бу соҳада ўтган йил қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун теримга ҳамма нарсанинг тахт қилиб қўйилишини таъминлашлари керак.

С. ИБРОҲИМОВ,

Мажбурият — 2800 литр

БУХОРО ОБЛАСТИ Ғиждувон районидаги Карл Маркс номли колхознинг сигир соғувчиси Ш. Ҳамидова етти йилликнинг учинчи йилида ҳар бир сигирдан 2800 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилган. У ўз сўзининг устидан чиқиш учун астойдил курашиб, сигирлардан сут соғиб олиш юзасидан берилган ярим йиллик топшириқни 118 процент бажарди. Суратда: Ш. ҲАМИДОВА.

Э. Каримов фотоси

НАЙНАВОДА ҲАЁТ НАВОСИ

Найнаво қишлоғининг ҳозирги қиёфасини кўрган киши, унинг ўтмиши тақир чўлдангина иборат бўлганига ишонмайди. Илгари бу ерда атиги уч-тўрттагина кесаки уй бор эди. Ҳозир бу ерда яшнаган, обод социалистик қишлоқ вужудга келган.

Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда бу ерда 6 колхоз мавжуд эди. Кейинчалик улар бирлашиб, Оҳунбобоев номли бирик қишлоқ хўжалик артели ташкил топди.

Колхоз йил сайин ўсиб бораётир. Унинг ҳар бир участкасида типовой магазин, мактаб, болалар боғча ва яслилари бор. Колхозчиларнинг маданий-маиший дам олишлари учун ҳам барча имконият мавжуд. Уйлар радиолаштирилган. Кейинги вақтларда маҳаллий аҳоли орасидан 50 дан зиёд олий ва тўлиқсиз олий маълумотли турли касб эгалари етишиб чиқди.

Қишлоқ маркази ҳам обод ва фаровон бўлиб бормоқда. Якин вақт ичида ҳамма хонадон Ильич чироқлари билан тўла таъмин этилади. Шунингдек, колхозчилар учун қурилаётган бир неча уй-жой, икки минг кишилик клуб ва правление идораси яқин орада ишга тушади.

Найнаво қишлоғида жўш ураётган қувноқ ҳаёт навоси ҳақиқатан ҳам қалбларга завқ-шавқ бағишлаяпти.

Н. АКРАМОВ.
Андижон область, Холдевонбек райони.

СЎЛИМ БИР ВОДИЙ

Қарши... Сув дея, сув дея асрлар бўйи чанқаб ётган бепоён чўл. Неча-неча карвонлар, неча-неча авлодлар бу саҳронинг бўстонга айланишини орзу қилиб ўтган. Аммо орзу орзулигича қолиб, қақраган чўл лаби сувсизликдан ёрилиб ётаверган. Чўл ўжар Жайхунга қанча интизор тикилмасин, у тескари қараб оқаверган. Ўйноқи тўлқинлари қирғоққа сапчиган-у, чўл бағрига кира олмаган. Уларнинг бирини-бирига қовуштира оладиган қудратли куч ҳам бўлмаган.

Октябрь тонги нуридан бепоён чўл уфқлари ҳам ёришди. Воҳанинг сув чиқаридан бурчакларида янги ерлар очила бошлади, бунда чинакам шўх анҳорларни, ям-яшил далаларни кўриш мумкин. Зар дарёси — Зарафшоннинг суви Эски-Анҳордан чўлга оқизилди. Чимқўрғон сув беряпти. Қарши шаҳрида Октябрь революциясидан кейин жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Ақалли тузукроқ сув тегирмонига эга бўлмаган шаҳарда пахта тозалаш, ёғ заводи, гўшт-консерва комбинати, тикув фабрикаси, мотор-ремонт заводи ва бошқа корхоналар қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек саноат корхоналарида ишчилар сони ҳам орта борди. Ҳозир воҳада 56 колхоз электростанциялари ишлаб турибди.

Қашқа воҳаси ва унинг марказий шаҳри Қаршида илгари кичик-кичик майдонларда тамаки етиштирилган бўлса ҳам, пахта деярли йўқ эди. 1913 йилда воҳада ҳаммаси бўлиб 2000 гектар майдонда пахта етиштирилди. Революциядан кейин пахта майдонлари ўсиши билан бирга унинг ҳосилдорлиги ҳам беқиёс даражада ошди. Айрим колхозлар ҳар гектар майдондан 40 центнерга етказиб ҳосил ола бошлади. Воҳада пахта етиштириш 1954 йилда 1928 йилдагига нисбатан 18,5 баравар ўсди.

Қарши чўллари ўзининг юқори сифатли қоракўл қўйлари билан азалдан машҳур бўлиб келган. Бу ерда қоракўл қўйларининг шероз, сур ва шу каби ноёб турлари етиштирилади. Айниқса, совет ҳокимияти йилларида воҳада хўжаликнинг бу тармоғи гуркираб ривожланди. Жамоат чорвачилиги ривожланиши билан бирга унинг махсулдорлиги ҳам ошди. Воҳадаги «III Интернационал» колхози беш йил ичида қоракўл қўйлар сонини 179 процентга ўстирди.

Айниқса, Эски-Анҳор каналининг ва Чимқўрғон ҳамда Пачкамар сув омборларининг қурилиб, ишга туширилиши воҳада деҳқончилик ва саноат ривожига кенг истиқболлар очиб берди.

Совет ҳокимияти йилларида воҳада медицина ходимлари ва врачлар сони 215 баравар ўсди. Бу эса халқ соғлиғи учун қилинаётган катта ғамхўрликдан далолат бериб турибди. Партиямиз Марказий Комитетининг январь Пленумида бу улкан чўлни тезроқ ўзлаштириш, қақраган саҳрода мамлакатимизнинг энг йирик «оқ олтин» водийсини вужудга келтириш тўғрисида гапирилди.

Ҳозир олимларимиз бу чўлга Амудан сув чиқариш мақсадида катта кидирув ва лойиҳалаш ишларини давом эттирмоқдалар.

Амударё суви бепоён чўлга оқади. Ўзбекистон сув проблемалари ва гидротехника институтининг таклифи бўйича Амударё суви Бўрдалиқ дарвозасидан узунлиги 80 километр бўлган канал орқали Денгизкўлга олиб чиқиб кетилади. У ердан сув насос орқали Қарши даштига ва Зарафшон водийсига тарапади. Амударёдаги ортиқча сувлар эса Қизилқум чўлларига оқизилиб, ундан яйловларни суғоришда фойдаланилади.

Қарши, Косон, Бешкент район колхоз ва совхозларида кучли бульдозер ва скреперлар асрий чўл сукунатини буза бошлади. Қарши районидаги Сталин номли колхоз ўз экин майдонларини янги ерлар ҳисобига анча кенгайтирди. «Коммунизм» колхози массивдан катта майдонлар очиб, қўриқда «оқ олтин» етиштира бошлади. Ленин номли совхоз бўлимларида янги ерлар ҳисобига боғлар барпо этилмоқда. Қурувчилар «Нишон» яйловларга тобора кириб боришяпти. Ҳозир Қашқадарёнинг Чойқай қишлоғи устидан оқадиган қисмида тўғон қурилиши мўлжалланяпти. Бу ерда ўрмон барпо этилади.

Улкан чўлнинг бир этаги бўлмиш Бешкентда ҳам янги ер ўзлаштириш авж олиб кетди.

Бу ишда Косон районидаги Энгельс номли колхоз аъзолари айниқса жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар янги ўзлаштирилган ерларда кўз илғамас анорзорлар, боғлар барпо этдилар. Колхоз Эски-Анҳор канали соҳилидаги Пистали массивидан қарийб 1000 гектарга яқин бўз ер ўзлаштирди. Бу ерда бешта пахтачилик бригадаси, полизчилик ва маккажўхоричилик бригадалари ташкил этилди. Икки йил ичида чўлда ажойиб социалистик қишлоқ вужудга келди. Зилол сувли ҳовузлар, баҳаво шийпонлар, ариқ ёқаларига соя ташлаб турган мажнун толлар бу улкан чўлнинг эртаги жамолини кўрсатиб турибди. Ҳақиқатан ҳам азм Қарши чўлининг бахти кулган.

С. НУРОВ.

лишини истисно қилмайди, балки кўзда тутади, шу билан бирга энг хилма-хил кенг кўламда маълумотли бўлишни кўзда тутади ва, бинобарин, бундай ихтисослашиш профессионал профилнинг кенг кўлами билан қўшилган бўлиши мумкин.

Бир-бирининг ўрнини босадиган касбларни эгаллаш ва меҳнат процессларини комплекс асосда ташкил этиш йўлида ҳозирги вақтда кенг авж олиб кетган ҳаракат профессионал профилни кенгайтиришгагина ёрдам бериб қолмай, айни вақтда ихтисослаш савиясини оширишга ҳам ёрдам беради, шу тариқа коммунистик ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун айни зарур бўлган уйғунликни таъминлайди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш техникасининг такомиллашиши билан асрлар бўйи мавжуд бўлган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган меҳнатнинг эски таксимотига асло ўрин қолмайди. У таксимот унинг ўзи вужудга келтирган кўпгина касблар ва ихтисосларга кўшилиб йўқолади ҳамда меҳнатнинг янги таксимоти билан алмаштирилади. Меҳнатнинг бу янги таксимотига энг юқори даражада ихтисослашишни кенг кўламдаги илмий ва техника билимлари билан қўшиб олиб бориш характерлидир.

Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларнинг тугатилиши ҳар қандай меҳнатни фаолиятнинг иккала турига узвий равишда қўшиб юборса ҳам, лекин у умуман ихтисослашишни ва бинобарин интеллигентларнинг ихтисосларини тугатмайди. Коммунизм даврида ҳам мутахассис олимлар ва мутахассис санъат арбоблари ҳамда ҳозирги вақтда интеллигентлик меҳнатининг касблари деб аталувчи турли ихтисосларнинг бошқа вакиллари бўлади. Лекин кишиларнинг ўзлари ақлий ва жисмоний меҳнат вакилларига бўлинмайдиган бўлиб қоладилар. Бизнинг жамиятимизда ишчи — шоир ёки лектор, ишчи — композитор ёки ихтирочи онда-сонда учрайдиган киши бўлмай қолди. Бизнинг мамлакатимизда оддий меҳнаткашлар — ижрочиларнинг бўлиб қолмай, ишлаб чиқаришнинг ташкилотчилари, халқ хўжалигининг турли соҳаларини бошқарувчи, давлатни бошқаришда актив ва тобора кўпроқ иштирок этувчи кишилар ҳамдирлар. Ўз навбатида интеллектуал меҳнат вакиллари жисмоний фаолият билан тобора кўпроқ кўламда шуғулланмоқдалар.

Коммунистик жамият ғоят ўқимишли кишиларнинг жамияти бўлади. Бизнинг мамлакатимизда маданий революция амалга оширилганлиги туфайли СССРда халқ маорифи ажойиб муваффақиятларни қўлга киритди. Бизнинг Ватанимиз олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олди 1914 йилда Россияда ҳаммаси бўлиб 289 та илмий муассаса ва 10,2 минг илмий ходим бор эди, 1960 йил бошларида СССРда 3548 та илмий муассаса ва 350 мингдан ортиқ илмий ходим (1960 йил охирида) ишлади. 1960 йилда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида салкам 4,5 миллион киши, шу жумладан, олий ўқув юртларининг ўзидагина қарийб 2 миллион 400 минг киши билим олди. 340 мингдан ортиқ олий маълумотли мутахассис, шу жумладан, 120 минг инженер тайёрлаб чиқарилди. Ваҳоланки, айни вақтда АҚШда атиги қирк мингга яқин инженер тайёрлаб чиқарилди.

Бизнинг мамлакатимизда мактаблар, техникумлар, олий ўқув юртлари билан бир қаторда техника ва профессионал тайёргарликни оширишнинг ҳар хил формалари, мактаблар, тўгараклар, курслар, семинарлар, сиртқи ва кечки ўқиш системаси тобора кенг кўламда ривож топмоқда, уларда ўқитиш билан ишлаб чиқаришдаги меҳнат бир-бирига қўшиб олиб борилмоқда, ишлаб чиқариш илғорларининг муваффақиятлари умумлаштирилмоқда, бу илғорларнинг тажрибаси оммалаштирилмоқда. Ҳар йили қарийб 5 миллион киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки ва сиртқи олий ўқув юртларида, техникумларда, мактабларда билим олмоқда. Сўнгги йилларда маданият халқ университетлари, радио университетлари ва меҳнаткашлар кенг оммасининг умумий таълим ва маданий савиясини оширишга ёрдам берувчи бошқа маданий-оқартув марказлари кўплаб вужудга келтирила бошлади. Бизнинг мамлакатимизда ҳаммаси бўлиб 50 миллиондан ортиқ киши ўқимоқда. Мамлакатимизда билим олиш чинакам халқ ишига айланди. Ҳозирги вақтда ишчиларнинг қарийб 40 проценти олий ва ўрта маълумотга эга. Ривож топган коммунистик жамият шароитида ҳар бир меҳнаткаш олий маълумотга эга бўлади.

Жамиятдаги барча меҳнаткашларнинг маълумот савияси ошиб бориши билан бир қаторда уларнинг умумий маданий савияси ҳам тенглашиб бормоқда. Шундай қилиб, жамиятнинг барча аъзолари ҳамма мезонлар бўйича тенглашиб, тобора интеллигент меҳнаткашларга айланиб бормоқдалар, бу эса интеллигенциянинг алоҳида социал группа бўлмай қолишига олиб келади. Лекин бу ғам коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган даврда интеллигенция йўқ бўлади, деган маънони англатмайди, совет интеллигенциясининг коммунистик қурилиш ишидаги жуда катта ва тобора ўсиб бораётган ролини инкор этмайди. Интеллигенция, алоҳида социал қатлам сифатида «то коммунистик жамият тараққиёти энг юқори босқичга эришганга қадар...» сақланиб қолади. (В. И. Ленин, Асарлар, 33-том, 193-бет).

III.

Кишининг гармоник тарзда, ҳар тарафлама камол топиши учун бизнинг даврimizдаёқ шарт-шароитлар ҳозирланмоқда. Ана шу шарт-шароитлар орасида иш кунининг қисқартирилганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Мамлакатимиздаги барча ишчи ва хизматчиларнинг етти-олти соатлик иш кунига кўчириш 1960 йилда тугалланганлиги иш вақтини анча қисқартириш СССРда жаҳонда энг қисқа иш куни ва энг қисқа иш ҳафтаси белгилаш ҳақида партия томонидан планлаштирилаётган ишнинг дастлабки босқичидир, холос.

КПСС Программаси проектида кўрсатиб ўтилганидек, мамлакатимизда якин ўн йил ичидаёқ ҳафтада икки кун дам олинган ҳолда 34-36 соатли иш ҳафтасига ўтиш амалга оширилади.

Шундай қилиб, Совет Иттифоқи жаҳонда энг қисқа ва айни вақтда, энг унумли ва энг кўп ҳақ тўланадиган иш кунига эга бўлган мамлакатга айланади Бу Программанинг амалга оширилиши натижасида «энди иш вақти эмас, балки бўш вақт бойликнинг мезони бўлиб қоладиган» ва Маркс башорат қилиб айтган давр бошланади.

Иш вақтининг кунига 3-4 соатга келтирилиши ҳар бир меҳнаткашнинг ўзи хоҳлаган ва қурби етадиган иш билан шуғулланишини, ўзи танлаб олган ҳар қандай мутахассисликни эгаллаш учун билим олиши ва кўникмаларини ривожлантиришни таъминлаб беради.

«Иш вақтининг тежалиши, — деб ёзган эди Маркс, — бўш вақтнинг, яъни шахснинг батамом камол топиши учун керакли вақтнинг кўпайтирилиши демакдир, бу вақт ўз навбатида жуда катта унумдор куч сифатида меҳнатнинг унумдорлик кучига қайта таъсир кўрсатади».

Бу гап коммунистик жамият кишилари ҳар қандай фаолиятга ёки фаолиятнинг ҳамма турларига бир хилда лаёқатли бўладилар, деган маънони билдирадими?

Инженер спорт мастери ҳам, скрипкачи ҳам, асаларичи ҳам, рассом ҳам бўлиши мумкин, аммо, масалан, кўприк қурмоқ учун у биринчи галда қурувчи инженер бўлмоғи керак. Махсус билимга эга бўлмаган киши квант механикаси соҳасида кашфиётлар яратиб олмайди, овозни йўқ киши эса ҳеч қачон опера ашулачиси бўла олмайди. Кишининг билим бағажи, амалий тажрибаси ва табиий истеъдодлари коммунистик жамият шароитида ҳам унинг ўрнини белгилаб беради. Бир вақтнинг ўзида фан соҳасида ҳам, санъат соҳасида ҳам ва шу билан бирга уларнинг энг турли соҳаларида муваффақиятли иш олиб бориш мумкин, лекин ҳар қандай ҳолда ҳам киши ўз асосий ихтисосини мукаммал эгаллаб олган бўлиши зарур, маҳоратга эришиш учун эса кишида истак бўлишидан ташқари, истеъдод ва қобилият бўлиши керак ва бу нарса узоқ меҳнат қилишни ва вақт сарфлашни талаб этади.

Коммунизм давридаги кишилар ғоят ўқимишли ва ҳар тарафлама камол топган кишилар бўлади. Аммо фаолиятнинг ҳар хил турлари билан шуғулланганлари ҳолда улар ўз ишларининг мутахассиси ҳам бўладилар Ихтисосининг эркин равишда танлаб олиниши ва ўзгартирилиб турилиши ишлаб чиқариш циклининг бузилишига сабаб бўлмайди, зотан, коммунизм даврида бутун жамият хўжалигини планли суратда ташкил қилишнинг энг юқори погонасига чиқилади.

Ишлаб чиқариш техникасининг ва ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаришининг ўзгариши билан, меҳнат шароитлари ва меҳнат характерининг ўзгариши билан кишиларнинг меҳнатга муносабати ўзгаради. Эркин ижодий меҳнат, бутун жамиятнинг бахт-саодати йўлида қилинадиган меҳнат ижод қувончи ва зўр ҳузур-ҳаловат бахш этувчи биринчи даражали ҳаётий эҳтиёжга айланади. Шу билан бирга меҳнатдан моддий манфаатдорлик йўқолмайди, чунки меҳнат инсон турмушининг ҳамиша асосий омили бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Коммунизм даврида рағбатлантириш даражаси шахсий меҳнат даражаси билан белгиланмайди, шахснинг манфаатлари ва эҳтиёжлари билан жамиятнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари бир-биридан ажралмайди, бундай шароитда меҳнат натижаларидан шахсий моддий манфаатдорлик йўқолса ҳам, жамиятнинг моддий манфаатдорлиги меҳнат қилишга ундовчи асосий стимуллардан бири сифатида умуман сақланиб қолади. Шу билан бирга меҳнат қилишга ундовчи маънавий стимулларнинг роли беқиёс даражада ортади

Жамият фойдасига меҳнат қилиш зарурлигини англаш, ана шу маънавий бурчни кун сайин адо этиш одатга айланади, кишининг ҳаётий эҳтиёжи бўлиб қолади.

Бундан ташқари, маънавий бурчни адо этиш организмнинг табиий эҳтиёжларига бевосита мос бўлиб тушади. Меҳнат кишидаги ҳаёт нечириш қобилиятининг асосий ифодасидир. Кишининг қобилиятлари меҳнатдагина ривожланади ва унинг ижодий кучлари рўёбга чиқади, киши ўзининг фаолият кўрсатишга, ижодкорликка бўлган эҳтиёжини меҳнат билан қондиради, меҳнат кишини ўз олдига қўйган мақсадларга эриштиради, кишига кашфиётлар, ижодий муваффақиятлар нашъасини бахш этади. Эркин, ижодий меҳнат бўлган коммунистик меҳнатгина ана шу шартларга мос бўлиб тушади Коммунистик меҳнат, деб ёзган эди Ленин «... ихтиёрий суратда қилинадиган меҳнатдир... умум фойдаси учун меҳнат қилиш одат юзасидан қилинадиган меҳнатдир ва умум фойдаси учун меҳнат қилиш зарурлигини яхши англаган (ва бу англаш одат ҳукмига кирган) ҳолда қилинадиган меҳнатдир — ҳар бир соғлом тан тақозо киладиган меҳнатдир» (Асарлар, 30-том, 560-бет).

Меҳнаткашларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш — коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврдаги муҳим вазифа, янги кишини вояга етказиш проблемасининг таркибий қисмидир

Коммунистик меҳнат коллективлари номини олиш учун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёйган оммавий ҳаракат — меҳнатга коммунистик муносабатнинг ёркин ифодаси бўлиб, меҳнат биринчи даражали ҳаётий зарур эҳтиёжга айланиб бораётганлигидан далолат беради. Меҳнатнинг биринчи даражали ҳаётий зарур эҳтиёжга айланиши эса кишилар ўз шахсий моддий манфаатлари йўлида эмас, балки бутун жамиятнинг бахт-саодати йўлида меҳнат қила бошламоқдалар, демакдир.

Юксак даражада уюштирилган ишлаб чиқаришга ва тараққий топган техникага асосланган коммунистик жамият меҳнатнинг характерини ўзгартиради, лекин жамият аъзоларини меҳнатдан озод қилмайди. У асло бебошлар, ишёқмаслар ва бекорчилар жамияти бўлмайди, дейилади КПСС Программаси проектида. Коммунистик жамиятда техникўрлар ва ишёқмаслар бўлмайди, меҳнат қилиш меҳнатга қобилиятли ҳар бир жамият аъзосининг ҳаёти учун энг зарур шарт, эҳтиёж бўлиб қолади, киши турмушни бусиз тасаввур қила олмайдиган бўлиб қолади

Миллион-миллион кишиларнинг жўшқин ижодий меҳнати бизнинг мамлакатимизда барча моддий ва маънавий неъматларнинг мўлкўл бўлишини таъминлаб беради. Совет давлати бутун дунё кўзи олдида кишизнинг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини чинакам тўла-тўкис ва мукаммал суратда қондиришнинг намунасини кўрсатади.

Жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни тугатиш — коммунистик жамият қуришнинг энг зарур шартларидан биридир. Социализмнинг ғолибона қурилиши жараёнида, совет жамиятида эксплуататор синфларнинг тугатилиши натижасида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги асосий қарама-қаршилик битирилди. Эндиликда бизнинг жамиятимиз ўз тараққиётининг шундай бир погонасига кўтарилдики, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни тугатиш амалий вазифа бўлиб қолди. Бу — КПСС Программаси проектида вазифа қилиб қўйилди.

Ленин кўрсатиб ўтганидек, жамиятнинг синфларга бўлиниш негизларини таг-томири билан қўпориб ташлаш билан боғланган бу вазифанинг ҳал этилиши жисмоният коммунизм сари тарихий ҳаракатида олға қараб қўйилган жуда катта қадам бўлади.

(«ПРАВДА», 5 сентябрь).

МЕДИКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ФОРУМИ

Медикларнинг иссиқ мамлакатларда учрайдиган касалликларни тугатиш проблемаларига бағишланган халқаро конференциясига Тошкентда икки кундан буён давом этмоқда.

6 сентябрь эрталабки мажлис вирусли инфекцияларга доир проблемаларга бағишланди. Мажлис СССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари **Т. А. Николаева** раислиги остида ўтди.

Конференция қатнашчилари СССР да чечакни тугатиш тажрибаси ҳамда чечакка қарши эмлашнинг замонавий масалалари билан танишдилар. СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент аъзоси **В. Д. Соловьев** шу тема юзасидан доклад қилди.

СССР нинг чечакка қарши курашда тўпланган тажрибаси, деди у, ана шу касаллик революциядан аввалги Россияда энг кўп тарқалган касалликлардан бири бўлганлиги билангина диққатга сазовор эмас. бу тажриба яна шунинг учун ҳам диққатга сазовордирки, совет соғлиқни сақлаш ишларини характерловчи учта асосий хислат: ёппасига ўтказиладиган соғломлаштириш тадбирларининг давлат йўли билан планлаштирилиши, бу тадбирларни амалга оширишда актив қатнашишга аҳоли жалб этилиши ва ҳамма жойда медицина ёрдами бепул кўрсатилиши унда ўзининг ёркин ифодасини топган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг консультанти доктор **А. К. Саенснинг** докладй бутун ер юзида чечакни тугатишга бағишланди. У, таъкидлаб айтдики, Совет Иттифоқининг ташаббуси туфайли бу касалликни тугатиш асосий проблема бўлиб қолди.

Докладчи Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти белгилаган программага мувофиқ амалга оширилган бир қанча конкрет тадбирларни айтиб ўтгач, чечакни ҳамма жойда узил-кесил тугатишга халқаро бераётган маъмурий ва социал тўсқинликларга тўхталди.

Профессор Н. Н. Плотников совет олими академик **Е. Н. Павловскийнинг** Шарқ мамлакатларида касалликларнинг табиий ўчоқларига доир таълимотининг ривожланишидаги асосий йўлларга бағишланган докладини ўқиб эшиттирди.

Докладда таъкидлаб ўтилдики, касалликларни нг табиий ўчоқлари тўғрисидаги таълимот майдонга келганига 20 йилдан ошди. Бу таълимотга СССР да негиз солинган эди. Ана шу таълимотга бевосита ёки билвосита тааллуқли адабиётлар сони икки минг номдан ошади. Совет олимларининг муваффақиятларидан Чехословакия, Болгария, Польша ва Хитой Халқ Республикасида кенг фойдаланилмоқда. Бу таълимот Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг эътиборини ўзига тортди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти касалликларнинг табиий ўчоқлари юзасидан 1960 йилда СССР-да курс ўтказди.

Ҳозирги вақтгача шу нарса аниқландики, ўн бешдан ортиқ турли касалликнинг табиий ўчоқлари бор. Академик Е. Н. Павловскийнинг фикрига кўра, аллақачонлардан бери маълум бўлган айрим касалликлар ҳам табиатда ўз ўчоғига эга бўлган касалликлар қаторига киради. Бу гап Осиё ва Африка мамлакатларига айниқса тааллуқлидир. Доклад автори иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатлар ҳамда тропиклар ва субтропикларда жойлашган давлатлар олдида табиатни амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш, касалликларнинг ўчоқларини очиш ва профилактика методларини ишлаб чиқиш соҳасида жуда катта вазифалар туради, деб ҳисоблайди.

Е. Н. Павловский каналардан тарқалувчи қайтарма терлама учрайдиган мамлакатларда бу касаллик четдан келган кишиларга қоқади, деган даъволарни асоссиз деб ҳисоблайди. Эронда тарқалган бу фикр шу жиҳатдан қисман тўғрики, маҳаллий аҳоли ана шу касаллик билан кўпроқ оғриб туради.

Доклад охирида таъкидланадики, СССР Фанлар академиясининг Зоология институти ҳамда СССР Медицина фанлари академияси Н. Ф. Гамалея номли Эпидемиология ва микробиология институтининг табиий ўчоққа эга бўлган инфекциялар бўлими чет эллардаги ҳамкасбларига қўлларидан келган маслаҳат ёрдамини беришга тайёрдирлар.

Яллоп мажлисларда эшитилган докладлар бўйича мунозара бошланди. Мунозарани таниқли совет олими СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси **Г. П. Руднев** бошлаб берди У, безгакка доир проблемалар ҳақида доклад қилган профессор П. Г. Сергиевнинг фикрларига батамом қўшиламан, деди.

Ҳиндистон Соғлиқни сақлаш бўлими бош директорининг ўринбосари доктор **Чадх** бу мамлакатда чечак касаллигини тугатиш программаси қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг вакили профессор **П. К. Бивер** доклад қилди. Машҳур олим гельминтларнинг юқуш йўллари тўғрисида ва уларнинг ер юзининг турли районларида тарқалиши ҳақида гапириб берди. Докладда гельминтларнинг эпидемиологик хусусиятларини ҳисобга олиб, уларни системалаштириш ҳақидаги маълумотлар келтирилди. уларга қарши кураш методлари кўрсатилди. Профессор П. К. Бивер одам қонидаги гельминтларга қарши даволаш-профилактика тадбирларининг алоҳида аҳамиятига конференция қатнашчиларининг эътиборини жалб этди. Бу ишнинг муваффақиятли бўлиши, деди у, жумладан, юқумли касалликларни тарқатувчи қон сўрувчи ҳашаротларнинг қириб ташланишига боғлиқ.

Докладларни муҳокама қилишда СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси **Л. В. Громашевский** қатнашди.

Медикларнинг халқаро конференцияси ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

Г. С. Титов Берлиндан тантанали суратда узатиб қўйилди

БЕРЛИН, 5 сентябрь. (ТАСС). 1 сентябрдан 5 сентябргача Германия Демократик Республикасида меҳмон бўлган қаҳрамон космонавт Г. С. Титовни Германия Демократик Республикаси пойтахтининг аҳолиси зўр самимият билан узатиб қўйди. Аэропортга борадиган қарийб 40 километрли йўлнинг бошиданохиригача берлинликлар бир неча қаторга тизилиб турдилар. «Ура!», «Дўстлик!», «Оқ йўл, Герман!» деган хитоблар тўхтовсиз янграб турди. Қарсаклар, оркестрлар ижросида тантанали маршлар тинмас эди.

Шенефельд аэродромига пойтахт аҳолисидан минглаб кишилар тўпланди. СССР ва Германия Демократик Республикасининг давлат гимнлари чалинди. Г. С. Титов В. Ульбрихт билан, шунингдек СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчиси М. Г. Первухин ва совет қўшинлари группасининг Бош қўмондони И. С. Коңев билан бирга тўпланган кишилар ёнига келади. Космонавт берлинликлар билан яна бир марта самимий хайрлашади. Кекса немис ишчиси рус тилида: «Хайр-маъзур, раҳмат снега»,—дейди.

В. Ульбрихт қисқа нутқ сўзлаб, Германия Демократик Республикасига келганлиги учун Г. С. Титовга миннатдорчилик билдирди.

У, совет халқига, КПСС Марказий Комитетига ва Н. С. Хрушчевга самимий саломлар топшириши космонавтдан илтимос қилади.

Г. С. Титов ниҳоятда очиқ чеҳра билан самимий кутиб олганликлари учун республика меҳнаткашларига миннатдорчилик изҳор қилади.

Самолёт парвоз қиладиган Москва томон йўл олади.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА

БЕРЛИН, 5 сентябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасида давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларига 17 сентябрда бўладиган сайловга тайёргарлик кенг авж олдирилб юборилди. Мамлакатда ҳозиргача 220 мингга яқин сайлов олди йиғилиши бўлиб, уларда 6,5 миллиондан ортиқ киши қатнашди.

УЗУМ МЎЙЛ

АФҒОН ИШЧИЛАРИ ИЛҲОМЛАНМОҚДА

СОВЕТ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ЁРДАМИ ТЎҒРИСИДА АФҒОНИСТОН ПОДШОСИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ҚОБИЛ, 5 сентябрь. (ТАСС). Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ Саланг довони орқали ўтадиган автомобиль йўли қурилишида ишлаётган афғон ва совет мутахассисларини кеча қабул қилди. Муҳаммад Зоҳир Шоҳ афғонистоннинг иккинчи бешйиллик планини амалга ошириш ишида совет мутахассислари кўрсатаётган ёрдам ҳақида самимий гапирди. У Ҳиндиқуш тизма тоғининг довони орқали ўтадиган йўл қурилишида оғир шароитда ишлаётган совет мутахассисларининг ғайрат-ташаббускорлигини таъкидлади.

Совет мутахассисларининг ғайрати, деди у, афғон ишчиларини илҳомлантирмоқда. Афғон ишчилари улар билан ёнма-ён туриб ишлаганлари ҳолда, йўл техникасини ўзлаштирмоқдалар, Афғонистон экономикасини юксалтириш учун ғоят зарур бўлган техника малакасини орттирмоқдалар.

БРАЗИЛИЯДАГИ АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК, 5 сентябрь. (ТАСС). Чет эл ахборот агентликлари мухбирларининг Бразилиядан юборайётган хабарлари мамлакатда вазият ҳамон кескин ҳолича қолаётганлигидан далолат беради. Президент лавозимига ўтириш учун 5 сентябрда Порто — Алегредан Бразилиа шаҳрига самолётда учиб кетишни мўлжаллаган вице-президент Гуларт ўз сафарини яна кечиктирди. Агентликларнинг хабарларидан маълум бўлишича, Куадроснинг вориси—Гулартнинг президент лавозимига ўтиришига ҳалақит бериш учун жонжаҳди билан уринаётган ички реакциянинг найрангларидан давом этаётганлиги Гуларт ўз сафарини яна кечиктиришига сабаб бўлди.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, 5 сентябрга ўтар кечаси Бразилиа шаҳрида конгресснинг фавқулодда мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда сенат раиси Ауро де Моура Андраде вице-президент Гулартнинг пойтахтга келишига ҳалақит бериш мақсадида ҳарбий-ҳаво кучларининг офицерлари фитна тайёрланганлигини маълум қилди. Агентликнинг сўзига қараганда. Андраде авиация министрининг, мен «Гуларт-нинг келиши бехатар бўлади, деб кафилини ола олмайман», деган баёнотини далил қилиб кўрсатган. Андраде айтганки, Бразилия президенти вазифасини бажарувчи Мадзилли Гулартга дарҳол телефон қилди ва сешанба куни самолётда пойтахтга учиб келмасликни унга маслаҳат берди. Маълумки, Бразилия конгресси конституцияга киритиладиган ва бош министр лавозимини таъсис этиб. президентнинг ваколатларини анча чеклаб қўядиган тузатишларни якшанба ҳосили учун тўғри ҳал тўлашни истамаётганликларига қарши норозилик билдирмоқдалар. Деҳқонларнинг намойишларини полиция тарқатиб юборди.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

⊙ Киотода (Япония) космик нурлар масалаларига бағишланган халқаро конференция очилди. Конференцияда жаҳоннинг 27 мамлакатидан, шу жумладан, Совет Иттифоқи, Япония, Қўшма Штатлар, Англиядан вакил бўлиб келган 200 дан ортиқ олимлар қатнашмоқда.

⊙ Софиядаги универсиалада янги жаҳон рекордлари қўйилган ажойиб совет атлетлари Валерий Брумель ва Тамара Пресс Болгария—Совет дўстлиги умумхалқ комитетининг фахрий аъзолари деб эълон қилиндилар.

⊙ Гаванада саводсизликни тугатиш миллий конгресси ўз ишини бошлади. Конгресс ишида 850 дан ортиқ делегат ва чет эллардан келган меҳмонлар қатнашмоқда.

⊙ Севилья районининг деҳқонлари (Испания) 2 сентябрда йўлларга говлар қўйдилар ва юришлар ўтказдилар Улар жумладан, йирик қанд заводлари эгаларининг об-ҳавонинг ёмон бўлганлиги натижасида анча зарар кўрган қанд лавлаги ҳосили учун тўғри ҳақ тўлашни истамаётганликларига қарши норозилик билдирмоқдалар. Деҳқонларнинг намойишларини полиция тарқатиб юборди.

⊙ Франс Пресс агентлиги мухбирининг Гангтокдан хабар беришича, Тиста дарёсида тўқсон метр баландликдаги кўприк қулаб тушган. 40 дан ортиқ киши ҳалок бўлган.

⊙ Англиянинг денгиз бўйидаги Портсмут шаҳрида Британия тред—юнионларининг йил сайини ўтказиладиган 93—конгресси очилди (ТАСС).

САЛОНИКИДАГИ СОВЕТ ПАВИЛЬОНИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

САЛОНИКИ, 5 сентябрь. (ТАСС). Салоникидаги 26-халқаро ярмаркада совет павильони зўр муваффақият қозонмоқда. Греция савдо министри Дертилиснинг кеча айтганича. Совет Иттифоқи ярмаркада иштирок этиши билан унга алоҳида обрў бағишлади. Ишонч билан айтиш мумкинки, ярмаркага келган деярли ҳар бир киши совет павильонига кириб ўтади.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

ЯНГИ СПОРТ МАСТЕРЛАРИ

Республикамиз спортчиларининг сони кун сайин ўсиб бормоқда. Янги-янги разрядлилар, область, республика, иттифоқ чемпионлари етишиб чиқмоқда. СССР спорт мастерлари кўпаймоқда. Фақат шу йилнинг август ойида республикамизнинг 6 спортчиси СССР спорт мастери нормасини бажарди.

Республикамиз енгил атлетикачиси Владимир Ситников 100 метрга югуришда республика ва «Динамо» маҳсидий советининг янги рекордчиси бўлди ва СССР спорт мастери нормасини бажарди У, 400 метрга югуришда спорт мастери нормасини қайта такрорлади. 400 метрга югуришда 47,6 секунд натижага эришган Юрий Хмельков ҳам СССР спорт мастери деган фахрли номга эга бўлди.

Республикамиз боксчиси Илья Люнсембург эса, бу ҳам Москвада, касаба союзларининг VII спартакиадасида эришди.

ФРУНЗЕГА

Республикамиз «Маҳаллий кўнгилли спорт жамиятининг бир группа велосипедчилари Қирғизистон пойтахтида бўладиган традицион велосипед пойгасида қатнашиш учун Фрунзега жўнаб кетдилар.

Республикамиз спорт шарафини спорт мастери Кочемазов бириичи разрядлилар Глебов, Кленова, Муҳаммаджоновалар ҳимоя қиладилар.

КИСЛОВОДСККА

«Спартак» кўнгилли спорт жамияти Марказий Советининг шахмат бўйича ярим финал голиби—Ўзбекистон шахматчилари финал мусобақаларида қатнашиш учун Кисловодскка жўнаб кетдилар.

БОЙБУРСККА

Шашка бўйича «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг ярим финал мусобақасида Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон командалари Тошкентда учрашишлари керак эди. Бироқ Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССР командалари мусобақага сабабсиз келмаганлиги учун Ўзбекистон командаси учрашувсиз финалда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Республикамиз шарафини Л. Хейф, Ш. Енубов, С. Ютландов, Я. Эсомбоев ва Ивановалар ҳимоя қиладилар.

Ш. УМРЗОҚОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

7 СЕНТЯБРДА

19.00 — **Жан Эффель расм солади** (ёшлар учун; рус тилида), 19,25 — **Телевизион янгиликлар**, 19.45—**Проводлар каёққа кетяпти** (саноат ходимлари учун ўзбек тилида телевизион очерк), 19.55—**Адабий эшиттириш** (рус тилида), 20.15 — **Етишқоқ ўргимчак уяси** (ҳужжатли фильм), 20.35 — **Душман гирдоби** номли бадиий фильм (ўзбек тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/IX да **Мазепа**, 8/IX да **Дилором** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишқи бино) — 7/IX да **Гамлет**, 8/IX да **Ганг дарёсининг қизи**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—7/IX да **Олтин қидирувчилар**, 8/IX да **Паранжи сирлари**.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Уч қават бахт — «ИСКРА» (кеч соат 9 гача), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруи).

Украин рапсодияси — «ИСКРА» (кеч соат 10-20 минутда), «УЗБЕКИСТОН», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Яширин жаннат — «ВАТАН» (кундуз ва кечқуруи).

Милтиқли киши (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 10 да), **Евгений Онегин** (кундуз ва кечқуруи) — «МИР».

Синдбоднинг еттинчи сафари (эрталаб соат 10, кундуз 1 ярим, кеч 5 ва 8 яримда), **Инсон таслим бўлмайди** (кундуз ва кечқуруи)—НАВОИЙ номли.

Айна — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқуруи).

Юлдузлар сари биринчи сафар (кундуз соат 12,1-10, 2-20 минут, 3 ярим, 4-40 ва кеч 5.50 минутда), **Инсон тақдири** (кеч 9.20 минутда)—КИНОЛЕКТОРИЙ.

ЭЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Уч қават бахт — КАФАНОВ номли (кеч соат 10 да), «ВАТАН», «ХЕВА».

Тинч осмон — «ОКТЯБРЬ».

Капитан Дабач — НАВОИЙ номли.

Яширин жаннат — «ФЕСТИВАЛЬ».

Тереза Ракен — КАФАНОВ номли (кеч соат 8-20 минутда).

Соат ярим кечада тўхтаб қолди—СТЕПАН РАЗИН номли.

Қизил елканлар — ТЕЛЬМАН номли. «САЛЮТ».

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РАДИОТРАНСЛЯЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ ДИРЕКЦИЯСИНИНГ

КОНТРОЛЬ ХИЗМАТИ

(телефон 27-403)

РАДИО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУЙИЧА БЕРИЛАДИГАН ЭШИТТИРИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ҚУРИЛГАН

ИНДУСТРИАЛ ХАЛАҚИТЛАРНИ ЙЎҚОТИШ ТЎҒРИСИДА

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аризада қуйидаги маълумотлар ёзилиши лозим:

приёмник ёки телевизор эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, адреси, телефон номери (қайси радиоэшиттириш цехисини қайси тўлқинда, қайси каналда қабул қилиш вақтида халақит юз бермоқда:

телевизор ёки радиоприёмник типи;

антеннанинг кўрилиши (хонаки ёки ташқи);

радио халақитлари қайси соатларда юз беради, қанча давом этади ва уларнинг характери (аниқ қабул қилиш мумкин бўлган зонада);

радио эшитиш шароитини нелиб текшириш учун энг қулай бўлган вақт.

Ариза бериш учун адрес: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси 19-уй.

«УЗГЛАВМАШСНАБСБИТ»

истеъмолчиларга биддираднки, инвентаризация муносабати билан

подшипниклар бериш

1961 йил 15 сентябрдан 10 октябргача

ТЎХТАТИЛАДИ

Шу муносабат билан, ўз фондлари бўйича подшипникларни 15 сентябргача олиш сўралади.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Республика бўйича (Тошкент шаҳридан бошқа)

„ВОСТОК“ ХОЛОДИЛЬНИКЛАРИНИ

«МЕТАЛЛОБИТРЕМОНТ» КОМБИНАТИ

ремонт қилади

Комбинатнинг адреси: Тошкент шаҳар, Лутин кўчаси, 88-уй. Телефон 34-185.

КОНФЕРЕНЦИЯ ЗАЛИДАН

КИШИ САЛОМАТЛИГИНИНГ ПОСБОНЛАРИ

Ҳа, улар шу ерда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси пойтахти Тошкентда. Кеча ҳиёбонларда, боғларимиз ва кўчаларимизда айниқса театр майдонида турли хил миллий кийимлардаги чет эллик медицина арбобларини кўриш мумкин эди. Улар Хитой Халқ Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси, Аргентина, Кипр, Исроил, Того, Судан, Сомали, Эфиопия, Куба Республикаси, Болгария, Бирлашган Араб Республикаси, Ироқ, Ливан, Покистон, Габон, Марокаш, Камерун ва бошқа яна ўнлаб мамлакатларнинг медицина арбоблари, дунёнинг турли қитъаларидаги халқларнинг ваколати билан Тошкент конференциясига келган мутахассислардир.

Тошкент ана шундай жуда катта жаҳон йиғинлари ўтказиладиган шаҳарга айланди. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг ва жаҳон кинематографияси таниқли намояндаларининг ғоят олий ният билан шу ерда—Тошкентда йиғилишиб, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ўрнатиш йўлида катта тадбирлар белгилаб олганларига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ўтган куни пойтахтимизда яна катта, ғоят улкан йиғин—иссиқ иқлимли мамлакатларда учрайдиган касалликларга бағишланган жаҳон конференцияси иш бошлади.

Конференцияга чет элликларгина эмас, балки Совет Иттифоқининг энг атоқли медицина арбоблари: москвалик ва ленинградлик мутахассислар, барча иттифоқчи республикалар медицина ходимларининг вакиллари ҳам келишган. Бироқ, улар меҳмон эмас. мезбонлар қаторида туриб, ўлкамизга келган чет эллик ҳамкасбларини кутиб олмоқдалар...

Мана, Алишер Навоий номидаги академик опера ва балет театри. Бу гал театр саҳнаси тамоман бошқача безатилган. Саҳна тўридаги катта қилиб ишлаб қўйилган конференция эмблемаси чўғдай товланиб, кўзни қамаштиради: кўм-кўк рангда тасвирланган ер шари ёнида медицина символи. Ўртада СССР. 1961 йил, унинг пастида Тошкент деб ёзилган. Президиумдан турли миллат, турли ирқ ва турли эътиқоддаги кишилар ўрин олишган. Бироқ уларнинг ҳаммаларини ягона мақсад: ер юзидаги энг азиз, энг мўътабар ва энг қимматли капитал — инсон сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш, уни йиллар давомида жонидан тўйдирган касалликларни даф этиш мақсади бу ерга тўплаган.

Нақадар олижаноб мақсад! Совет ҳукумати шундай катта мақсадли йиғинни бизнинг ўлкамизда ўтказишни ўз зиммасига олганини тилга олишнинг ўзи қанчалик ғурур ва ифтихор бахш этади кишига. Бу — жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати инсонлар бахт-саодати йўлида барча зарур чораларни кўраётганини ва шу мақсадда на маблағ ва на куч-ғайратини аямаётганини яна бир карра кўрсатадиган ёркин далил эмасми?

Бизнинг партиямиз мамлакатимизда Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларданоқ халқ саломатлигининг чинакам посбони эканлигини амалда намойиш этиб кўрсатди. Турли хил юқумли, йиллар давомида халққа офат келтирган касалликларни ёппасига тугатиш учун олиб борилган профилактик тадбирлар инсонга ғамхўрликнинг ёркин ифодасидир. Бизнинг ўлкамизда бугун вабо, ўлат, чечак, безгак, ришта сингари даҳшатли касалликлар таг-туби билан қириб ташланган. Бу ҳам инсонга ғамхўрликнинг, инсон советлар юртида ана шундай юксак қадрланаётганининг ажойиб ва ёркин самараси эмасми?

Ҳа, Коммунистик партия совет граждани нинг саломатлиги йўлида ҳеч нарсани аямайди. Ғарб корчалонлари ҳарбий авантюраларга, васвасаларга, янги уруш оловини ёқишга кўплаб маблағлар сарфлаётган ва бу маблағларни йил сайин кўпайтираётган бир пайтда, бизнинг миллионларимиз халқ сиҳат-саломатлигини яхшилаш, унинг турмуш даражасини ошириш, маданий эҳтиёжларини тўла қондиришга хизмат этмоқда. Бўлмаса биргина Ўзбекистон республикасида Чор Россияси даврида ги 102 врач, 234 ўрта медицина ходими ўрнига Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги тариҳан ғоят қисқа вақт ичида қарийб 12.000 врач ва 36.000 ўрта медицина ходими етишиб чиқармиди? Совет Ўзбекистони бугун аҳолига медицина хизмати кўрсатишда жуда кўп капиталистик мамлакатларни ортда қолдирди. Бугун Ўзбекистонлик медик профессорлар, доцентлар, атоқли фан арбоблари ўрганса арзигудек бой тажриба тўпладилар. Энди лар улар: келинг, марҳамат, инсон бахт-саодати йўлида хизмат кўрсатишда, унинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишда қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз, демоқдалар.

Тошкентда ўтаётган жаҳон конференциясининг мақсади ҳам худди шундай. Театр фоеларидаги жонли суҳбат ва қизғин мунозараларнинг асосий темаси ҳам худди шунинг ўзи.

Ҳув ана, нақшин қандил остида бир тўп медиклар алланарса ҳақида ўзаро суҳбатлашмоқдалар. Таржимон бизга тоголик делегат Жан д'Альмейданинг қуйидаги сўзларини айнан қайтарди

— Катта йиғин. йўқ, янглишдим. — Катта мақсадли йиғин. Бундай йиғинлар инсон умрига умр қўшади, унга роҳат-фароғат бахш этади. Аминманки, биз бу ерда жаҳон медикларидан кўп нарса ўрганамиз. дўстлигимиз яна ҳам мустаҳкамланади. Бунга имоним комил!

Ироқлик, вьетнамлик, кубалик, марокашлик, ливанлик, арабистонлик меҳмонларнинг ҳам дилидаги гап бу. Улар ҳам тоголик ҳамкасблари сўзини бош чайқаб маъқуллашмоқдалар.

Биз жаҳон медицина арбобларининг Тошкент конференциясига келган барча делегатлари билан бирма-бир суҳбатлашаолганимиз йўқ. Бироқ шуни дадил айта оламизки, бу сўз бутун конференция катнашчиларининг қалбидан мустаҳкам ўрин олган.

Жаҳон медикларининг Тошкент йиғини ер юзидаги халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлайдиган воситалардан бири бўлади Бу конференция халқларнинг ўзаро илмий ва маданий алоқа ўрнатишлари учун яна бир катта омил бўлади. Бу конференция халқлар ўртасида тинчлик ва осойишталик ўрнатиш учун курашувчилар сафини янада кенгайтиради. Бу конференция жорижий Шарқ мамлакатлари. Африка ўлкалари, умуман иссиқ иқлимли мамлакатларда учрайдиган юқумли касалликларни кескин камайтириш ва яқин ўн-ўн беш йил мобайнида бу касалликларни тамомила қириб ташлаш учун катта мактаб бўлади...

Конференция минбаридан туриб айтилаётган оташин сўзлар, турли темаларда қилинаётган докладларда худди шу фикрлар баён этилмоқда.

Конференция ўз ишини 9 сентябргача давом эттиради. Сўнгра меҳмонлар республикамизнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрадилар, бизнинг медицина, фан, маориф ва маданият соҳасида эришган ютуқларимиз билан танишадилар. Шак-шубҳа йўққи, республикамизда бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар меҳмонларимизни қувонтиради ва уларга намуна бўла олади

С. КАРОМАТОВ.

БАНДИТЛАР ҚИЛМИШЛАРИГА ЯРАША ЖАЗОЛАНДИ

Владимир область судининг жиноят ишлари бўйича суд коллегияси Александров милиция бўлимига қилинган бандитларча ҳужум қатнашчилари группасининг жиноий ишини якунда Александров шаҳрида ўтказилган очиқ суд мажлисида қараб чиқди.

Дастлабки тергов ва суд тергови натижасида аниқландики, жиноятчи-безорн унсурлар жамоат тартибини бузувчиларни қўлга тушириш юзасидан ўз хизмат бурчларини адо этган милиция ходимларига қаршилик кўрсатишга уринганлар, бунга муваффақ бўлолмаганларидан кейин шаҳар милиция бўлими биносига бандитларча ҳужум қилганлар.

Бандитларча ҳужумнинг актив қатнашчилари — ўта кетган безориликни учун тўрт марта суд қилинган В. Н. Барабашчиков; давлат мулкини ўғирлаганликни учун ва бошқа жиноятлари учун уч марта суд қилинган А. А. Сидоров; ўлдиришга қасд қилганликни учун судланган К. С. Савасеев; граждапларнинг шахсий мулкини талаганлиги ва ўғирлаганлиги учун икки марта суд қилинган А. Н. Сингинов; ҳар хил жиноятлари учун суд қилинган В. А. Гречихин ва З. Ф. Клочкова, шунингдек В. Н. Горшков, Л. Г. Логинов ва А. С. Федоровлар жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Суд тергови давомида судланувчилар жуда кўп гувоҳларнинг берган маълумотлари, ашёвий далиллар ва бошқа далиллар билан фош қилинди лар ҳамда қилган жиноятларига иқрор бўлдилар.

Суд В. Н Барабашчиковни, А. А. Сидоровни, К. С. Савасеевни ва В. Н Горшковни олий жазога — отишга; А. Н. Сингинов, В. А. Гречихин, З Ф. Клочкова, Л. Г. Логинов ва А. С. Федоровларнинг ҳар қайсисини 15 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилди

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми СССР Госплани Райсининг биринчи ўринбосари ўртоқ Георгий Михайлович **Орловий** СССР министри қилиб тайинлади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР —26334. 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Узбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Р. 01073. Нашр. № 210.